

Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi_bot

Китобхон оиладан тушган бир келинчақ бошидан ўтганларини шундай ҳикоя қилганди: “Қайнонам қўлимда китоб кўрса жазаваси тугтиб кетарди. “Ҳой, китоб ўқишга бало борми, қилишга ишингиз йўқми?”, дея айюҳаннос соларди. Уларнинг наздида ғирт бекорчи одамгина қўлига китоб ушлармиш. Педагог бўлганим учун бироз китоб ўқиш, ўз устимда ишлаш мақсадида уй ишларимни чаққонлик билан бажаришга ҳаракат қилардим. Бироқ қўлимга китоб олганимни кўрган қайнонам жаҳл отига миниб, йўқ жойдан иш топиб берарди.

6

“KITOB O‘QING, KELIN, nabiralaringim olim bo‘lsin!”

“Ajina kelayapdi uxla, bolam!”

yoxud qo‘rquv bilan ulg‘ayayotgan bolalar

Бир қўшнимиз бўлар эди, уйимизга келиб саккиз ёшли қизининг кечалари ёмон туш кўриб қўрқиб ухлай олмай чиқаётганини айтарди. Унинг айтишича, қизи кечалари йиғлар, шовқин солиб бақириб ойисини чақираверар экан. Қўшнимиз ўшанда бунга ўзим айбдорман деган эди, сабаби, қизини тезроқ ухлатиш мақсадида ҳар хил қўрқинчли нарсалар ҳақида кўп гапирган экан. ●10

Kelin ham birovning dilbandi

Unga o‘z farzandingizdek munosabatda bo‘ling

●12

УОС‘ОСНОВА

muhrlangan mo‘jiza

Ёғоч ўймакорлиги ўта синчковлик, маҳорат талаб этадиган санъатдир. Уста томонидан тайёрланаётган ёғоч ўймакорлигининг намуналарига бугун хорижлик сайёҳларнинг ҳам қизиқиши катта. Айни кунларда мазкур санъат турини янада ривожлантириш, бу мактабга хос қадимий нақш усулларини қайта тиклаш йўлида ижодий изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса ўзбек амалий санъатининг дунёда янада шуҳрат қозонишида айни муддао бўлаётир. Улар яратган ўймакорлик дурдоналарини “Ёғочга муҳрланган мўъжиза”, десак асло муболаға бўлмайди.

●7

MUAMMOLARGA IJOBİY YECHIM TOPILDI

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги “Бинокор” ва “Нурафшон” маҳаллаларида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Туман сектор раҳбарлари, тадбиркорлар, банк ходимлари ва бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этган йиғилишда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 август куни туманга ташрифи чоғида белгилаб берилган бир қатор топшириқлардан келиб чиқиб



ишсизлик, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги масалалар муҳокама қилиш.

Учрашув давомида аҳоли томонидан билдирилган тақлифлар атрофлича ўрганилиб, уларни қийнаётган муаммолар жойида ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, йиғилишда иштирок этган 10 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланишига қўмақлашилди. Жумладан, уларнинг 8 нафарига туман аҳоли бандлигига қўмақлашиш маркази томонидан ҳудуддаги корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринлари тақлиф этилди, 2 нафар аёл эса малакасини ошириш учун 3 ойлик ўқув курсларига йўналтирилди.

BUKHORODA MAKTABLAR HOLATI O'RGANILMOQDA

Жорий йилнинг 28 август куни Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида умумий ўрта таълим мактабларини 2020-2021 ўқув йилига эпидемиологик хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилган ҳолда юқори савияда тайёрлаш чораларини кўриш вазифаси белгиланган эди.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда умумий ўрта таълим муассасаларида янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш ишларининг натижадорлигини ошириш ҳамда ўқувчилар ва педагог-ҳодимларнинг соғлигини ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳудудлар бўйича ишчи гуруҳлар тузилди.

Бухоро вилоятида ҳам Халқ таълими,



Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда Ички ишлар вазирликлари, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси вакилларидан иборат ишчи гуруҳи ўз фаолиятини бошлади.

Дастлабки манзил Когон тумани бўлди. Ишчи гуруҳи аъзолари тумандаги 12-, 14- ва 18- умумтаълим мактабларида бўлиб, таълим муассасаларининг бошқармаларида асосан янги ўқув йилига тайёргарлик ҳолатини кўздан кечирди. Муассасаларнинг ичимлик сув билан таъминланганлиги, санитария-гигиеник ҳолати, шунингдек, пирометр, дозатор ва антисептик воситалар билан таъминланганлик даражасини ўрганди.

Ишчи гуруҳ аъзолари мавжуд ҳолатларни ўрганиш жараёнида қилиниши лозим бўлган ишлар бўйича масъулларга тегишли тавсиялар берди.

JIZZAXDA MAHALLALAR TANQID QILINDI

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов маҳалла тизимига амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Жиззах вилоятида бўлди.

Дастлаб Р.Маматов вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси учун ажратилган янги бинода амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишиб, масъулларга қўрилиш ишларини белгиланган меъёрларга қатъий риоя қилган ҳолда якунига етказиш бўйича тавсия ва топшириқлар берди.

Қолаверса, яқин кунларда фойдаланишга топшириладиган мазкур бино вилоят маҳалла тизими фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимларининг самарали фаолият юритишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг, Р.Маматов Жиззах шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимида бўлиб, ҳудуддаги 34 та маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли муурожаатлари билан ишлаш борасида амалга

оширилаётган ишларни атрофлича ўрганди.

Қолаверса Жиззах шаҳар “Жиззахлик” маҳалла фуқаролар йиғини биносидаги учрашувда ҳудудда аҳолининг эҳтиёжманд ва кам таъминланган қатламига ҳар томонлама ёрдам бериш, айниқса “темир дафтар”га киритилган оилаларнинг муаммоларини ўрганиш ва уларга ижобий ечим топиш, маҳаллада тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда “Обод ва хавфсиз маҳалла” таъминоти фаолиятини татбиқ этиш борасида фуқаролар йиғини ҳодимларига ўзларининг тегишли кўрсатма ва тақлифларини берди.

Шундан сўнг Жиззах шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мажлислар залда вилоятнинг 12 та туман ва 1 та шаҳар ҳудудий бўлим раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда ҳудудий бўлимларнинг бугунги кундаги фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, фуқаролар муурожаатлари билан ишлашда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг масъулиятини янада ошириш, улар фаолиятини назорат қилиш, давлатимиз томонидан

аҳолининг эҳтиёжманд ва кам таъминланган қатламига ажратилган моддий пул маблағларини адолатли ва шаффоф тарзда тарқатилишини таъминлаш, бу борада фирибгарлик ҳамда нопликка йўл қўймаслик лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Қолаверса йиғилиш давомида яқин кунларда мамлакатимизда умумтаълим мактаблари очилиши, шу боис бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бундан ташқари, Жиззах вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиги ўринбосари Н.Нушаров маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини тартибга солиш ва соҳа ходимлари малакасини ошириш юзасидан ўз тақлифларини айтиб ўтди.

Шунингдек, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов Жиззах вилоятига сафари доирасида вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг Шароф Рашидов ҳамда Ҳамид Олимжон ва Зулфия филиалларида ҳам бўлиб, музей экспонатлари, давлат арбоби ва ижодкорларнинг ўтмишига тааллуқли асарлар билан яқиндан танишди.

XORAZM MAKTABLARIDA YANGI O'QUV YILIGA TAYYORGARLIK

Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида умумий ўрта таълим мактабларини 2020-2021 ўқув йилига эпидемиологик хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилган ҳолда юқори савияда тайёрлаш чораларини кўриш вазифаси белгиланган эди.

Вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бўлими бошлиги Равшан Тўраев, вазирликнинг вилоят бошқармаси бошқармалари ўринбосари Матқарим Жуманиёзов, туман халқ таълими бўлими мудир Камолиддин Нурметов ва туман ДСЭНМ бошлиги Музаффар Юсупов вилоят умумтаълим муассасаларида янги ўқув йилига қўрилган тайёргарлик ҳамда ўқувчилар ва педагог-ҳодимларнинг соғлигини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Жумладан, Янгибозор туманидаги Паҳлавон Маҳмуд МФЙ ҳудудида жойлашган 6-, “Оча қалъа” МФЙдаги 24-, “Истиклол” МФЙ ҳудудидаги 28-, “Боғолон” МФЙ ҳудудида жойлашган 31- ҳамда Қўшқўпир туман мар-



казидаги 2-сонли ва Хайробод қишлоғида жойлашган 20-сонли умумтаълим мактабларининг пандемия шароитида ўқувчиларни мактабга жалб қилиш билан боғлиқ тайёргарлик жараёнлари ўрганилиб, таълим муассасаларидаги мавжуд ўқув хоналари, изоляция ва тиббиёт хоналари кўздан кечирилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари таълим даргоҳларида антисептик воситалар, хлор эритмаси ва пирометр билан таъминланганлик ҳамда дезинфекция ишлари назоратга олинганлик ҳолати билан ҳам танишиб, бажарилиши лозим бўлган ишлар юзасидан масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

Саҳифани Бектош ИСМОИЛОВ тайёрлади.

OZODLIK UMIDIDA YONGAN YURAKLAR

Юрт осмонида совуқ шаббода эсиб, этни жунжиктирар, шаббоданинг кучи шунчалик бўлса, ҳақиқий бўронлар неча минглаб инсонларнинг тақдирига қора чизиклар тортиши, миллат ва унинг келажаги, эртанги кун турли қиргинлар, қатагонларнинг аёвсиз исканжасига тушиши ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Фақат ҳукумат тепасида турганлар бу ҳақда пухта режа тузиб, халқни бўйсундириш, уни ҳамиша қўрқувда ушлаш, тобе этиш учун тарихини йўқ қилиш, энг илғорларни йўлдан олиб ташлаш муҳимлигини таҳлил этиб чиққандилар...

«Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқи бошига ҳам оғир кулфатлар солди. 1937-1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «учликлари» томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафар киши судланди. 6920 киши отиб ташланди...» (В.Маннобжоновнинг «Мозийдан садо» китобидан).

Бу рақамлар бугун тарихнинг энг оғир ва азобли кунларидир. Дунёга илм ва маърифат нурини сочган, ўзининг тарихий илдиэларига, бетакрор алломаларига эга юртнинг, буюк миллатнинг бошидан ўтказган ситамларидир. Ана шу даврларда озодлиги ва эрки бўлган одамларнинг фарёдлари бугун тарихнинг тилсиз кучоғига сингиб, ўтмишдан ўрин олди. Зулм оловини ёққанлар ҳам, ана шу оловда куйганлар ҳам орамизда йўқ. Аммо тарих ҳеч нарсани унутмайди. У эрк ва озодлик нақадар улў эканлигини сўзлайди, сўзлайверади. Осмонимизда ҳилпираб турган мустақиллик байроғи буюк эканлигини англатади. Ҳар кунни қадрлашга чорлайди. Туманимиз аҳолиси ҳам бу фожелардан бир чеккада қолган эмас. Қанчадан-қанча инсонлар бу гирдобнинг қурбонига айланиб, мангуликка юз тутган.

“Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқи бошига ҳам оғир кулфатлар солди. 1937-1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «учликлари» томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафар киши судланди. 6920 киши отиб ташланди...”

(В.Маннобжоновнинг «Мозийдан садо» китобидан).

yxud Norin daryosida oqqan gilamlar



Узоқ йиллар давомида халқ талми соҳасида ишлаган Ваҳобжон домла Маннобжонов (охиратлари обод бўлсин) олис ўлкаларга сургун қилинган юртдошларимизнинг тақдири, улар чеккан азобукубатларни ўрганиш истагида бир неча йиллар илмий изланишлар олиб бордилар. Натижада «Мозийдан садо» номли китоб дунё юзини кўрди. Унда қатагон қилинган инсонлар, уларнинг қавму-қариндошлари тақдири баён этилган. Бу рисола туман тарихини ўрганишда аҳамиятли манбаадир. Келажак авлод уларни доимо ёдда тутмоғи муҳим. Ўтмиш билан юзлашиб, бахтиёр онларга шукрона айтиш эса масъулятимиздир.

Ҳар йили истиқлол байрами арафасида озодлик йўлида жон фидо этганларни ёдга олиб, ватан тушунчасининг нечоғли муқаддаслигини дилдан туямиз. Ватандошларимизнинг аччиқ қисматидан сабоқ оламиз. Манбаларни қидирдик, китобларни varaқладик, ёши катталардан эшитган-уққанларини билдик. Аждодларининг хоки ўзга юртларда қолиб кетганларнинг авлодларини сўраб-суриштириб, туман марказидан Янгиер қишлоғи томон йўл олдик.

Кўзлаган манзилимиз – Шахрибону ая Ибрагимованинг хонадонига бордик.

Ишқомларида узумлари, томорқасида полиз экинлари, кенг-мўл ҳовлининг атрофида барча турдаги меваларнинг пишиб этилганини кўриб, ўзимизни жаннатнинг бир бўлагига тушиб қолдикми, деб ўйладик.

Соя-салқин дарвозахонадаги ўзбекона сўрида суҳбат бошланди. Шахрибону ая турмуш ўртоғи Исоқжон ака билан тотув яшаб, икки фарзандни элга қўшгани, ҳозир уларнинг ҳузурини кўриб, набиралари билан бир дунё орзу-ҳавас ила яшаётган экан.

Ташрифдан мақсадимизни билгач, ўзига ярашиб турган дуррасини ўнглаб, олис йиллар эсдаликларини ёдга олди. Хаёлан Украинанинг Херсон вилояти, Тошкентнинг Бекобод тумани, Далварзин совхозига саёҳат қилгандек бўлди. Гап орасида:

– Далварзин – Дальная височичная зона, дегани. Бу сургундагилар учун ажратилган жой эди, – деди.

Ҳали ҳаётга тўймаган бобоси Мулла Мўйдин, бош омон бўлса, бас деган отаси Орткирмирза акаларнинг бошидан кечирган саргузаштларни, момосидан, онаси Меҳриниса хола айтиб берган воқеаларни бир маром-

Уйдаги Қашқар гиламларни (ундан ортиқ эди улар): «Сен уларни ол. Бемалол ишлатавер. Кейинчалик қариндошларимни бирига биронтасини берарсан! Биздан ёдгорлик бўлиб қолади уларга!» деб илтимос қилди. Аммо Қўчқорвой уларни олишдан бош тортди. Чунки ўзи ҳам чўчиётган эди. Нима қилишни билмаган ака-укалар ҳамма гиламларни йиғиштириб Норин дарёсига оқизиб юбордилар.

да қулоққа ёқадиغان товuşда айтиб берди. Сўзлаяти-ю фикрларининг теранлиги, овозининг дадиллиги, ўзига бўлган мишончи, насл-насаби билан нечоғли фахрлинишини ҳис этдик. Баъзан ҳазинлик билан кўзларига ёш олди. Лекин дилидаги шукроналик, эътиқодда собитлик унга авлодларидан мерос бўлиб ўтган хислатлигини сезмаслик мумкин эмасди.

Оғир йилларнинг ташвишли кунлари. Ҳаммаёқда бир сўз қулоққа чалинади: «Бойларнинг шўри қурийдди. Нарсалари тортиб олинар эмиш...» Бундай миш-мишлар мол-мулкка эга бўлганларни хушёр торттирди. Кимдир бу ўлкада яшаб қолишга ақли етмай эси борида этагини йиғиштиришга киришган, яна кимдир ватан озодлиги йўлида қурашга отланганлар қаторига қўшилган, айримлар киндик қони тўкилган замин ана ватан эканлигини ҳис этиб: «Бошга не келса, унга тайёрмиз!» деб тақдир ҳукмига бўйсунган эдилар.

Норин дарёсининг мавжланиб оқаётган тўлқинларига тикилган мулла Мўйдин кеча тунда бўлиб ўтган суҳбатни ёдга олди.

«Биз ҳам боримизни йиғиштириб кетайлик», деди укаларидан бири Абдуғани. Аммо бир савол. Қерга? Ўзга юртларгами? Ахир шу Норин бўйлари уларнинг болалиги ўтган соҳиллар эмасми? Шу ерда тугилишди, катта бўлишди. Мол-мулк орттириб, ризқларини топиб юришибди. Ўғриёрдан

то Тўхтагулгача бўлган ерлар уларнинг мулки. Буғдой селиб, ҳосил олишади. Қўллариди ишлайдиган хизматкорларнинг қорни тўқ, усти бут. Етти ака-уканинг биронтаси ўзгаларнинг молига хиёнат қилмадилар. Энди киндик қони тўкилган жойни ташлаб қерга кетишади? Бу ёқда сингиллари Бадалхон, Саломатхонлар бўлса: Уларни кимга омонат топширишади? Оилавий суҳбатга яқун ясалди. Йўқ, ўзга юртларга кетишмайди. Нима бўлса-да, шу ерда бўлсин...

Буғдой пишиги. Ур-ур, сур-сурлар оқибатида етти ака-ука ўзлари истиқомат қилаётган уйлардан бироз чеккиниб, далалар кучоғига сингиб кетишди. Ваҳима ўрлаган.

Мулла Мўйдинбой соҳил бўйидаги ҳовлисига ярим тунда келди. Хизматқори Қўчқорвой уларга содиқ эди. Уйдаги Қашқар гиламларни (ундан ортиқ эди улар): «Сен уларни ол. Бемалол ишлатавер. Кейинчалик қариндошларимни бирига биронтасини берарсан! Биздан ёдгорлик бўлиб қолади уларга!» деб илтимос қилди. Аммо Қўчқорвой уларни олишдан бош тортди. Чунки ўзи ҳам чўчиётган эди. Нима қилишни билмаган ака-укалар ҳамма гиламларни йиғиштириб Норин дарёсига оқизиб юбордилар. Улар ортидан маънос термулиб қолган ака-укалар: «Бош омон бўлса, дўппи топилади», дейишди. Аммо ана шу олтин бошлар омон қоладими, йўқми буни ҳеч ким билмасди...

Ака-укалар ўз ихтиёрлари билан ерларини, бойликларини давлат ихтиёрига топширган бўлишларига қарамай, барчаларини сўроқ қилгани зах турмаларга олиб кетишди. Топширганликларини исботловчи суратлар кейинчалик Москвадаги музейларнинг биридан топилди.

Мулла Мўйдинбойнинг набираси Шахрибону ая билан ўша оғир йилларнинг азоблари, боболарининг қўрган-кечирган кунлари ҳақида суҳбат олиб борганимизда, улар бошига тушган мусибатлар ҳикоясини тингладик.

— Бобом ҳақида бизларга жуда кўп айтиб беришарди. Улар ўз ихтиёри билан бойликларини ҳукуматга топширганлар. Аммо бу бошларидаги қора булутларни йўқотмаган. Бир-бирларига қўрсатмай сўроқ қилинган қариндошларимдан фақат менинг бобомгина тирик қолиб, Украинага сургун қилинган. Қолган олти ака-ука совуқ ўлкаларнинг қайсидир ерида отиб ташланган. Тўғрироғи, ўлдириб юборилган экан. Бир неча йиллар ўтиб, юртга қайтиб келган бобом барча жигарларидан айрилган эди.

Мустақиллик бизга ана шу тарихни янада чуқурроқ ўрганиш имконини берди. Уларнинг номи оқланди. Етти ака-уканинг тақдири минглаб инсон тақдири билан ўхшаш. Кўплаб аждодларимиз бой одам сифатида сургун қилинди. Ҳоклари олис ўлкаларда қолиб кетди. Бу миллат қалбига мангу қолувчи олов. У ўтмишининг оғир кунларини ёдга солади. Туманимиздан ҳам 1929-1933 йиллар алоҳида ўрганиши керак бўлган саҳифалардир. Уларнинг кўпчилиги Херсон вилояти Коховка тумани, Цуқури худудида яшаганлар. Ҳар йили мамлакатимизда 31 август – Қатагон қурбонлари кунини сифатида нишонланади. Улар хотираси ёдга олинади. Бу эса ўтмиш ва бугуннинг мустақкам кўприғидир.

**Жаҳонгир ТҲУТАСИНОВ,
Наманган вилояти Учқўрғон тумани Навоий номли МФЙ раиси
ўринбосари.**

GO'ZALLIK QURBONLIK TALAB QILMASIN

Тождимон вирус глобал микёсда тарқалмаган, юрти-миз худудига кириб келмаган бир пайтда аёллари-миз зохирий гўзалликнинг турли шакллари ўзида намоён этиш учун "Гўзаллик салони" хизматидан фойдаланишарди. Кимлардир кунда кунора, кимлар эса ойда ёки ҳеч қурса йилда бир мартаба бўлса ҳам, тўй-ҳашамларда турли соч турмаклари ва макияж, умуман кундалик ҳаётда ҳам соч кесиш, бўяш, қош териш сингари яна бир неча хизмат турлари кўпайиб бораётгани ва аёллар орасида оммалашгани қувонарли ҳол, албатта. Аммо биз масаланинг иккинчи томони ҳақида тўхталмоқчимиз.

Бир танишим айтган воқеа ёдимга тушди. Қариндоши ўзига тўқ оиланинг бекаси. У мунтазам нархи анча қиммат турадиган бир қанча гўзаллик салонлари хизматидан фойдаланар экан. Бир куни тўйда ўша қариндоши билан ёнма-ён ўтириб қолишибди. Аёлнинг юзлари бироз сўлинқир, кўзлари маъюс. Сабабини аёлнинг ўзидан сўрашга эса хижолат бўлибди. Орадан кунлар ўтиб, синглисидан ўша қариндоши Гепатит С вирусини юқтириб олгани ҳақида айтиб қолибди. Улар касаллик гўзаллик салонида маникюр жараёнида юққан деган тахминда эканлигини яширишмабди.

Бу сингари қўлогимизга чалинаётган ҳолатлар сартарошхоналар ва гўзаллик салонларидаги гигиена масаласи анча оғриқли эканини намоён этади. Бизга турмуш тарзимизда гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишни яна бир бор эслатиб қўйган пандемия гўзаллик салонлари фаолияти олдига ҳам кўплаб вазифалар юклайди.

Биламиз, ушбу масканларга бир кунда бир неча мижоз муружаат этади ва уларнинг хизматидан фойдаланади. Бир мижозга ишлатилган асбоб кўпинча етарлича стерилланмасдан кейингисига ҳам ишлатилади. Тиббиёт соҳасидан маълумки, турли юкмли касалликлар, жумладан, вирусли гепатитнинг айрим турлари аксарият ҳолларда қон орқали юқади. Айрим турлари эса узоқ вақт давомда ўз белгиларини намоён этмайди. Айнақса зарарланиш кундалик ҳаёт тарзида ҳам содир бўлиши исботланган. Коронавирус эса қандай юқиши, унинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги бир неча ойдан буён барчамизнинг хотиримизда муҳрланиб қолди. Хўш, инсон саломатлигига жиддий хавф солувчи бир неча касалликдан зарарланиш гўзаллик салонлари орқали ҳам содир бўлаётган экан нима учун ушбу масканлардаги иш жараёни, ходимларнинг фаолияти назоратига эътиборсизлик қилинмоқда? – Кўпчилик аёллар сингари оила ва

келганида олдинги мижозга ишлатган асбоб, яъни қош теришга мўлжалланган пинцетни стерилламасдан менга ҳам қўллади. Бу ҳолатдан бироз жаҳлим чикди. Ходимага "Ишлатиладиган асбобларни стериллайсизларми?" дея савол берганимда "Ҳа", дея энсасини қотирди. Нима учун олдинги мижозга қўллаган асбобни менга тозаламасдан ишлатаётганини сўраганимда шошаётганини рўқач қила қолди...

Ҳа, бундай ҳолатларни кўплаб гўзаллик салонларида кузатиш мумкин. Терига ранг бериш орқали амалга оши-

ташкilotи маълумотиға кўра, дунё бўйича ОИТС билан касалланганлар 40 миллиондан ортиқни ташкил қиларкан. Ҳар йили 2 ярим миллион нафар киши касалликка чалиниб, улардан 1 ярим миллиониси ҳаётдан қўз юмади. Бу рақамлар жамоат жойларида гигиена қоидаларига мунтазам амал қилишни, жумладан, ҳар биримиздан огоҳ бўлишни талаб этмайдими?

Таҳлиллар натижаси тождимон вирус, гепатит ва турли хил тери касалликлари келиб чиқмаслигини олдини олиш учун худудлардаги гўзаллик салонлари фаолиятида қуйидагиларга эътибор қаратишни тақлиф сифатида киритамиз:

- шароити ачинарли, санитария қоида ва меъёрлари талабларига мутлақо жавоб бермайдиган сартарошхоналар ва гўзаллик салонлари фаолиятига чек қўйиш;

- мутасадди ташкилотлар томонидан шохобча фаолиятини йўлга қўйган тадбиркор ҳамда ходимлар учун мунтазам равишда ўқув-семинарлари ташкил қилишлари, унда санитария-гигиена қонун-қоидалари хусусида тушунчалар бериб боришлари;

- ходимларни мунтазам равишда тиббий кўрикка жалб этиш, уларнинг санитария-гигиена қоидалари бўйича билимларини синовдан ўтказиб бориш;

- ҳар бир шохобча биносига санитария-гигиена қоидалари ёзилган варақаларни ёпиштириб қўйиш;

- маҳалла ва қишлоқларда хотин-қизлар ўртасида ўтказиладиган учрашув ва тадбирларда гигиена қоидаларига жавоб бермайдиган гўзаллик салонлари хизматидан юқадиган касалликлар хусусида тушунтириш ишларини олиб бориш ва мижоз ҳар бир ходимдан стерилланган асбоблардан фойдаланишни қатъий талаб қилишларини уқтириб бориш.

Соғлом инсон табиятнинг бебаҳо асари. Шундай экан саломатлигимизга бефарқ бўлмаслигимиз, турмуш тарзи-мизда нохуш ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин бўладиган ҳолатларни эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази мутахассиси.



фарзандлар тарбиясидан бўш вақт топиб гўзаллик салони хизматидан фойдаланаман, – дейди пойтахтимизнинг Сергели туманида истиқомат қилувчи уй бекаси Дурдона Райимжоновна. – Аммо кўплаб гўзаллик салони ходимларининг мижозларга кўрсатаётган хизматини аъло даражада деб бўлмайди. Ўз манфаати йўлида ўзгаларнинг ҳаётини хавф остига қўяётган "гўзаллик яратувчи"лар учун аниқ талаблар қўйилиши лозим деб ҳисоблайман.

Бундан бир неча ой олдин қош териш учун уйимизга яқин худуддаги салонга кирганим. Айнақса шу хизмат тури билан шуғулланувчи ходима бошқа бир мижозни қошни тараётган экан, бироз кутишимга тўғри келди. Шу жараёнда унинг ишини диққат билан кузатдим. Навбат менга

риладиган татуаж, растушёвка сингари хизмат турлари ҳам жуда кенг тарқалган. Билишимизча, бу жараёнда ишлатиладиган бўёқнинг бир ампуласи 3 кишининг қошига етар экан. Ҳар бир мижозга

асбоб игнаси янгиланган ҳолатда ишлатилиши мумкин. Аммо очилган бўёқни қолганини кейинги мижозга ишлатилгунгача унга инфекция тушмаслигига ким қафолат беради? Бу эса турли касалликларни юқтириш хавфини келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмаслиги кундек равшанку?

Жаҳон соғлиқни сақлаш

Биламиз, ушбу масканларга бир кунда бир неча мижоз муружаат этади ва уларнинг хизматидан фойдаланади. Бир мижозга ишлатилган асбоб кўпинча етарлича стерилланмасдан кейингисига ҳам ишлатилади. Тиббиёт соҳасидан маълумки, турли юкмли касалликлар, жумладан, вирусли гепатитнинг айрим турлари аксарият ҳолларда қон орқали юқади.

TO'YLARIMIZ HAQIDA O'YLARIMIZ

Тўй. Ўзбек халқининг азалий қадриятларидан бири. Ёқимли ташвиш. Бугунги пандемия шароитида тўйларимиз қандай ва қай кўрнишида ўтмоқда? Азалдан тўйни камчиқим ва камҳаражат ўтказиш бўйича қанча ҳаракатлар қилинди. Давлат раҳбарининг ўзи алоҳида эътибор қаратди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатда ушбу масала кўриб чиқилди. Афсус, ўзгармадик, ўзгармадик.

Одамлар орасида икки ёшнинг бахти ҳақида эмас, кўпроқ моддий тарафини ўйлаш давом этмоқда. Тўғриси, агар коронавирус юртимизга бостириб кел-

маганида, тўйларимиз кульминацион нуқтага чиқиш арафасида эди. Оилавий ажримларнинг сабаби ҳам кўпинча моддий тарафга бориб қадалмоқда. Яқинда бир танишимиз тўй қилди. Карантин муносабати билан тўйга бора олмасак-да, бундан заррача хафа бўлмадик. Тўйдан сўнг ёшларни табриклаш учун кўнғирок қилиб, қайнонадан тўй тафсилотлари ҳақида билиб олдим.

– Тўйларни катта тўйхоналарда ўтказиш, қўшиқчиларни чақариш, тўйхоналарни безаш, қиммат машиналарда юриш урфга кириб қолган эди, – дейди Юқори Чирчиқ туманида яшовчи Сабоҳат Дорипова. – Тўғри, ҳамманинг орзу ҳаваси бор. Лекин орзу ҳавас қилишда вазиятга ҳам қараш керак. Касалхоналарда қанча беморларимиз этибди. Қанчадан қанча фуқароларимиз

юрт тинчлиги, саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Шундай вазиятда дабдабали тўй қилиш ярашмайди ва бу жуда хунук ҳолат ҳисобланади.

Тўй юрт тинчлигида, тўкинлигида, хотиржамлигида ўтказилса файли бўлади. Бир-икки соатли маросим учун топган тутганини бирдан сочиб юбориш одатини йўқотишимиз керак.

Карантин жорий қилинишидан олдин бир дугонам ўғлини уйлантирди. Тўйни маҳалла фаоллари билан келишилган ҳолда яқин қариндошлар даврасида ўтказишди. Ортиқча дастурхон тузаш, исрофгарчилик, пул қистириш каби одатларга йўл қўйилмади. Унинг ўрнига маҳалладаги қийналган оидаларга эҳсон қилишди. Уларнинг бу одатларини ушламаганлар ҳам бўлди. Ўзингиз ўйланг, тўй дабдабозлик

Лекин орзу ҳавас қилишда вазиятга ҳам қараш керак. Касалхоналарда қанча беморларимиз этибди. Қанчадан қанча фуқароларимиз юрт тинчлиги, саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Шундай вазиятда дабдабали тўй қилиш ярашмайди ва бу жуда хунук ҳолат ҳисобланади.

эмас, балки хайр эҳсон тўйи бўлса, қанча кўнғилларни обод этган бўламиз.

Оила муқаддас даргоҳ. У ишонч, садоқат, муҳаббат, меҳр асосида шаклланади. Тўй эса ана шу кўрғоннинг бошланиши. Илк қадамнинг ҳалоллик ва яхшилик билан бошланиши доим хайрли бўлган.

Хилола ИБРОҲИМОВА.

ARMONLAR USHALGAN KUN



Ота-боболари асли қашқадарёлик бўлган Хўжамкул Турдиев 1958 йилда Тожикистон Республикасининг Кўргонтепа вилоятида туғилган. 1992 йилда оила-аъзолари билан Қашқадарёнинг Толимаржон шаҳрига кўчиб келишди. Шу ерда ишлаб уй-жой қурди. Деҳқончилик орқасидан яхшигина даромад олиб рўзғори тўла-тўқис бўлса-да, 28 йилдан буён фуқаролиги бўлмаган аях сифатида яшаётганлиги кўнглида армон бўлиб келди.

– Зар қадрини заргардан сўранг, – дейди Хўжамкул ота. – Бир неча йилдан буён Ўзбекистонда яшаб келаётган бўлсам-да, фуқаролиги бўлмаган шахс сифатида кўпгина имкониятларим чекланган бўлиб, фарзандларим келажаги ўйлантирар эди. Қўлимга Ўзбекистон Республикаси паспортини олган куним қувончдан кўзларимда севинч ёшлари қалқиди. Бир умрлик армоним ушалгандан бошим кўкка етди.

Нишон туман ИИБ 13-сонли ИИБ

ички миграция ва фуқароликни расмийлаштириш гуруҳи мутахассиси лейтенант Баҳром Примовнинг таъкидлашича, давлатимиз раҳбари жорий йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатида фуқаролиги бўлмаган шахс сифатида Ўзбекистонда яшаб келаётган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ҳақида топшириқлар берган эдилар. "Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида"ги қонун қабул қилинган,

кўплар қатори Толимаржон шаҳрида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар "Ўзбекистон Республикаси фуқароси" деган муқаддас нома сазовар бўлиб, уларнинг кўнглидаги армонлари ушалди.

Азимо Файзиева 55 ёшда. У ҳам бир неча йилдан буён фуқаролиги бўлмаган шахс сифатида Толимаржон шаҳрида истиқомат қилиб келмоқда. Сайловларда сайлаш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги, ҳуқуқлари чекланганлигидан озор чекарди. Не бахтки, мустақиллик байрами арафасида бу онага ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспорти тантанали равишда топширилганлиги унинг кўнглидаги армонларини ушатди.

Толимаржон шаҳар ҳокимлигида ўтказилган паспорт топшириш тадбирида Толимаржон шаҳар ҳокими Иброҳим Қаршиев, Нишон туман ИИБ бошлиғи Шерзод Шокиров, 13-сонли Толимаржон шаҳар ИИБ бошлиғи, майор Умид Турдиевлар иштирок этиб, тадбир иштирокчиларини табриқладилар. Шу кунни Толимаржон шаҳрида истиқомат қилиб келаётган 16 нафар фуқароларга Ўзбекистон Республикаси паспорти тантанали равишда топширилди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Қашқадарё вилояти.



АҲОЛИНИ РО'ҲНАТГА ОЛИШ

Энг аввало аҳолини рўйхатга олиш тушунчаси ҳақида бир чимдим маълумот.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакат аҳолисининг аниқ сони, унинг таркиби ва яшаш шароитлари тўғрисида маълумотни топиш имконини беради. Бу аҳолининг сони, таркиби ва яшаш шароитлари – бутун аҳоли ва аҳолининг ҳар бир тоифаси олдинги аҳолини рўйхатга олиш давридан буён қандай ўзгарганлигини баҳолаш имкониятини беради.

Маъмур кенг миқёсли амалиётнинг бош мақсади мамлакатимизда, умуман ҳар бир маъмурий-ҳудудда яшовчи шахсларнинг турли тавсифлари тўғрисида ишончли, ҳолис ва ахлит маълумотларни ягона статистик услублар асосида йиғишдан иборат.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар" резолюцияси қабул қилинган ва унга асосан БМТга аъзо давлатларнинг камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олишни ўтказиши белгилаб қўйилган. Айни кунларда ҳамдўстлик мамлакатларида бу жараёнга тайёргарлик бошланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ахлит ва ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича аниқ бир вақтда яшовчи шахсларнинг турли тавсифлари тўғрисида халқаро таққослана оладиган ишончли, ҳолис ва ахлит маълумотларни ягона статистик услублар асосида йиғиш аҳолини рўйхатга олишнинг мақсади ҳисобланади.

Аҳоли таркибидаги глобал ўзгаришларни баҳолаш, демографик сўйсатни, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, аёллар ва болалар аҳолини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун ахборотлар базасини кенгайтириш; аҳоли пунктлари ва шаҳарлар инфра-тузилмасини ривожлантириш, меҳнат ресурсларини фойдаланиш ва уларни

жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурлар тайёрлаш ва индикатив режалаштириш;

миллий барқарор ривожланиш мақсадларини шакллантириш ва унинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказиш; аҳолини рўйхатга олиш даврлари оралиғида аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини юритиш, аҳоли сонининг ҳисоби ва прогнозларини амалга ошириш учун статистик базани яратиш;

ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш эса аҳолини рўйхатдан ўтказишнинг энг асосий вазифалари ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олиш баробарида яна бир муҳим вазифани бажариш кўзда тутилган. Бу – ҳудудларда хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйлارнинг рўйхатини тузиш билан боғлиқ масала. Турар ва нотурар жойларнинг аниқ сони, ҳолати, тегишли ҳудудларда уй-жой объектларини қуриш масалаларига ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Бир сўз билан айтганда, республиканинг янги мукамал кадастр харитаси яратилади.

Шундай қилиб, ҳукумат олдида яна бир муҳим вазифалар қўйилди. Уларни муваффақиятли ва тўлақонли бажариш билан Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти, шаҳари, туманидан тортиб маҳалласи-ю қўчасига, чекка қишлоқ ва олис овулларига-ча алоқадор бўлган барча маълумотларни ўзида ақс эттирган ягона ахборот базаси яратилади. Бу қимматли маълумотлар эса бизга бугун, эртага ва яқин келажақда жуда асқотади. Зотан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқариётган кўп йиллик дастурлар, амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар ва белгилаб олинаётган режалар манзил аниқ бўлсагина юқори самара беришига шак-шубҳа йўқ.

Ширин МАТСАПАЕВА,
Тошкент шаҳар статистика бошқармаси рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бош мутахассиси.

Мақбуларингиздан бири

ХАТОИМНИ ТО'Г'РИЛАШГА КЕЧИКМАДИММИ?

"Мен ўз боласининг бахтига зомин бўлган онаман. Сиз оналар ҳеч қачон фарзандига ёмонлик тиламайди, дейишингиз мумкин. Тўғри, ёмонлик тиламайман, аммо менга ўхшаган худбин қимсалар ўзининг орзу-ҳавасини фарзандининг бахтидан ҳам устун қўяди.

Ёлғизгина ўғлим бор. Эрим билан ҳам қаноатсизлигим туфайли ажрашганман. Яқинда ўғлимни уйлантирмоқчи эдим. Савдо-сотик қилиб топаётган маблағим кўзимга кам кўринди... Ҳар ойда дугоналар йиғилишиб "гап" ўтказамиз. Ўшанда бир дугонам менга пул топишинг янги йўлини ўргатган кунларига минг лаънат бўлсин. Дугонам (ҳозир қамоқда) ўғлимга бир иш борлигини айтганда қандай ишлигини сўрамаганимдан ўзимни ҳалигача кечира олмабман. Очиғи ўғлим нима иш қилаётганига қизиқмабман. Биринки сўрасам қулиб: "узумини энгу боғини суриштирманг", – деди. Кейин қизиқмадим. Чунки ўғлим топиб келаётган пуллар қўзимни кўр қилиб қўйди. Ахир ҳаммага мақтаниб, овозаси етти маҳаллага эшитиладиган тўй қилмоқчи эдим-да. Хуллас, ўғлим уч ойда яхшигина пул топди. Кейин негадир уйга кеч, ширакайф ҳолатда келади деган бўлди. Ҳеч нарсага қизиқмай қўйди, уззу кун уйда, хонасининг эшигини ичидан ҳаратда келади деган бўлди. Ҳеч нарсага қизиқмай қўйди, уззу кун уйда, хонасининг эшигини ичидан бекитиб на овқатланишга, на кўчага чиқмай қўйди. Ана шундай кунларнинг бирида... Мен ўғлим шошиб кўчага чиқиб кетганида хонасига кириб қора дори топиб олдим.

Туппа-тузук ўғлим гийҳавандликка ўрганибди.

Ўғлим қора дори савдоси билан шуғулланиш асносида ўзи ҳам гийҳаванд бўлиб қолибди. Яъни ўғлимнинг сотган қора дориси туфайли ҳаёти издан чиққанларнинг қарғиши боламини ҳам ўз домга тортибди. Ҳозир ўғлим уй қамоғида. Даволатганим билан фойдаси йўқ. Бу офатдан қутулишнинг илоҳи йўқ экан. Ўзи ёқтирган қизга унаштириб қўйгандим. У ҳам фойдасини бўзди. Ўғлимнинг гийҳавандлиги ошкор бўлгач ўша куниёқ рад жавобини берди.

Энди эса бошим қотган. Уни даволатаман деб бор йиққан-терганини сарфлаб бўлдим. Яқинда касалхонадан чиқди...

Уни яхши ҳаётга қайтариш учун нималар қилмадим. Охириги чорам бошқа жойга кўчиб кетиш, яъни унга касалини эслатадиган барча нарсаларни йўқ қилиш. "Дўстлари" билан алоқани мутлақо узишни ис-тайман. Бу хасталиқдан ўз иродаси, яқинларининг кўмаги билан ҳаётга қайтганлар ҳам бор дейди шифокорлар.

Бу мақтубни ёзишдан мақсадим мен каби оналар фарзандларининг боши берк кўчага кириб қолишларига ўзлари сабабчи бўлиб қолмасин. Пул топаман, деб болани қаровсиз қолдирманг. Ҳозир вақтни ортга қайтаришнинг имкони бўлса эди, ҳар бир дақиқамни фарзандимнинг илм олиши – келажаги учун сарфлаган бўлардим. Энг муҳими бола билан жуда яқиндан дўст бўлинг... Мен каби хатони тўғрिलाш учун вақтни бой берманг...

Муҳлис мактубини Барно оққа кўчирди.

Умр бўйи турли миллат вакиллари орасида яшаб, меҳнат қилиб келаяпман. Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари, таомиллари бор. Ўзга миллат кишилари бизнинг шарқона туриш-турмушимиз, ўзбекона тутимларимизга ҳавас билан қарашади. Бироқ баъзи ўринларда халқимиз шаънига номуносиб қусурлардан гоҳида уялиб, гоҳида озорланиб кетаман.

Комбинатнинг бешинчи кон бошқармасида ишлаганимда катта бир бўлимининг татар миллатига мансуб бошлиғи ўзбек хонадонидан келин туширди. Тўйдан кейин бир хафта ўтиб қайнота бўлмишни учратганимда, "Жуда қизиқ урф-одатларингиз



миз Турсунои Содикованинг варақланавериб униқиб кетган илк нашрдан чиққан китоблари. Улардан онажонимнинг нафаси келади, уларда онажонимнинг нигоҳлари бор.

Мана шундай китобхона мухитда ўсиб voyяга кетдим. Олий ўқув юртига кириб, оила курдим. Катта фарзандимга ҳомиладор пайтимда талаба эдим. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетининг 4-босқичида ўқирдим. Улуғ адабиётшунос ва тилшунос устозларнинг олтинга тенг қимматли маърузаларини ҳомиладор ҳолида бирортасини қолдирмаганман. Болагинам дарсларни вужудимдан туриб тинглаган. Имтиҳонларга тайёрланиш жараёнларида тонггача мутолаалар қилиб, болам алла ўрнига баддий асарлардан парчалар, шеърлар ўқиб берган-

“KITOV O‘QING, KELIN, nabiralalarim olim bo‘lsin!”

бор экан-да, — деб қолди. Са-во назари билан қараганимни кўриб, гапида давом этди: “Ешлигимдан ўзимга ўзим хизмат қилиб ўрганганман. Овқатланиб бўлгач идишларимни ювиб қўйишга одатланганман. Тўйдан кейин ҳам шу одатимни қилсам, келинимиз хафа бўлиб, ўғлимга: “Дадамиз менга ишонмасдан, идишларини ўзлари юваяптилар”, дебди. Уғлим: “Дада, илтимос, овқатланиб бўлгач, идишларини қолдириб кетинг, Дилноза ўзи ювади”, деди. Мен қайрон бўлдим. Ахир қандай қилиб ортимдан ювиқсиз идишни қолдириб кетаман. Бу ўтакетган тахабурлик-ку! Мен келинни чақириб, қизим сиз хафа бўлманг, мен бундай қилолмайман. Шундай тарбия топганман. Қолаверса сизга буюқдаги ишлар ҳам етарли. Вақтингиз бўлса, китоб ўқинг, дам олинг, дедим”, деди.

Тўғриси, бу ноодатий гап қўлоғимга ғалати эшитилди. Ахир ҳеч қачон қайнота ёки қайнонанинг келинига китоб ўқинг, деганини эшитмаганман. Ҳозир кўпчилик бу гапни ақлига сиғдиришмайди. Қандай қилиб келин китоб ўқиб ўтириши мумкин?! Бу ўзга миллат кишисининг гапи. Шу гапдан сўнг бу раҳбарга бўлган ҳурматим минг чандон ошди. Келинга берилган қандай гўзал тарбия: “Китоб ўқинг!” Тўғри-да, келин китоб ўқиса, зеҳни, идрокли, маънан соғлом фарзандларни дунёга келтиради. Гўзал ахлоқли, зиёли авлодни тарбиялаб, voyяга етказиши. Ушбу бошлиқнинг ўзи ҳам китобхон, маънавиятли она қўлида тарбия топгани, оғир ишлаб чиқаришга мослаштирилган катта бўлимини кўп йиллар гўлдай қилиб бошқарди. Бўлим нафақат ишлаб чиқаришда, тозаланиш, ободлаштириш-

да, тартиб-интизомда энг олдинги қаторда бўлди. Ҳозир бу раҳбар пенсия ёшида, бугунги кунда унинг ўғли комбинатда бўлим бошлиғи, келини соҳанинг етук мутахассиси, наби-ралари мактабнинг олди ўқувчилари. Уларнинг оиласига ҳамма ҳавас қилади.

Ўзбек хонадонларида эса бари бошқача. Келинга китоб ўқинг, бироз дам олинг, дейилмайди. Бу ҳақда умуман сўз бўлиши мумкинмас. Келинга фақат бугун тансиқроқ овқат пиширинг, салатлар янгисидан бўлсин, қирларни яхшилаб ювинг, кўча, ҳовлиларни тезроқ супуриб олинг, ҳамма-ҳамманинг оёқ кийимларини тозалаб, тўғрилаб қўйинг, дейилади. Баъзи қайноналар “Ҳамма ишларни сарамжонлаб бўлгач, бошимни уқалаб қўйинг”, деб қўшиб ҳам қўйишади. Китобхон оиладан тушган бир келинчак бошидан ўтганларини шундай ҳикоя қилганди: “Қайнонам қўлимда китоб кўрса жазаваси тутиб кетарди. “Ҳой, китоб ўқишга бало борми, қилишга ишингиз йўқми?”, дея айюҳаннос соларди. Уларнинг наздида гирт бекорчи одамгина қўлига китоб ушлармиш. Педагог бўлганим учун бироз китоб ўқиш, ўз устимда ишлаш мақсадида уй ишларимни чаққонлик билан бажаришга ҳаракат қилардим. Бироқ, қўлимга китоб олганимни кўрган қайнонам жадл отига миниб, йўқ жойдан иш топиб берарди.

“Қайнонам қўлимда китоб кўрса жазаваси тутиб кетарди. “Ҳой, китоб ўқишга бало борми, қилишга ишингиз йўқми?”, дея айюҳаннос соларди. Уларнинг наздида гирт бекорчи одамгина қўлига китоб ушлармиш. Педагог бўлганим учун бироз китоб ўқиш, ўз устимда ишлаш мақсадида уй ишларимни чаққонлик билан бажаришга ҳаракат қилардим. Бироқ, қўлимга китоб олганимни кўрган қайнонам жадл отига миниб, йўқ жойдан иш топиб берарди.

қайнона кўзимга бутун бошли миллат томирига болта ураётган дажол бўлиб кўринган. У билан гаплашишга келинчак йўл бермаган. “Қўйинг олажон, устимдан шикоят қилдингми?”, деб мени кейин тинч қўймайдилар”.

Уйдаги битмас-туганмас рўзгор юмушларидан толиққан, қўпол муносабатлардан кўнгли ўқсиб, ёш туриб қадди дол бўлиб қолган яна бир келиннинг ҳам ҳасрати ёдимда. Унинг айтишича, олти ойлик чақалогини тушлик пайти ухлатишга олиб кириб, кўзи бироз илиниб қолибди. Тонг оқармай уйғониб, ишга киришгани учун жуда чарчаган экан-да. Бирдан кўтарилган шовқиндан чўчиб уйғониб кетибди. Кўзини очса бошида қайнотаси важаҳат билан кўзини қақчайтириб турганмиш. «Бу нима ётиш, тез туриб молларга сув бе-

ринг”, дермиш ўдагайлаб. Келиннинг юраги тушиб, эси оғиб қолай дебди. Ҳа, бизда келин робот. Унинг кўнгли йўқ, у чарчамайди, у толиқмайди. Тушган хонадонидангилар кўз ўнгидан бўзчининг моксидек у ёқдан бу ёққа югуриб туриши керак. Бўлмаса бошида калтак синади. Ҳолдан тойиб, бир оз тин олиш мумкинмас. Борди-ю чарчоқданми, ноўрин муносабатданми, хомушланса, “Нега қовоғингни уясан, қулиб юр”, деб ўдагайлашади. Ичи йиғласа ҳам, тиржайиб туриш керак”. Бундай шароитда китоб ўқиш ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Бугунги кунда оилалардаги китобга, китобхонликка, вақтли матбуот нашрларига эътиборсиз муносабатни кўриб, ўтган асрнинг 70-80-йиллари ёдимга тушади. Оддий уй бекаси бўлган онамнинг қўлида доим баддий китоб ёки “Шарқ юлдузи” журналининг янги сони бўларди. Онагинамнинг укаларимни эмизиб ўтириб, китоб ўқишлари ҳамон кўз ўнгидан кетмайди. Тасаввур қилинг, узоқ Қирғизистоннинг аксарият ўзбеклар яшайдиган бизнинг Бозор кўрғон туманимизга “Саодат”, “Гулистон”, “Фан ва турмуш”, “Шарқ юлдузи”, “Мушум”, “Гулхан”, “Гунча” журналлари ҳар ой кечикмасдан етиб борарди. Ушбу журналлар ва бир қатор қўзғаларга маҳалламизда ўнлаб оилалар обуна бўлишарди. “Шарқ юлдузи” да босилган янги асар оиламизда қўлма-қўл бўлиб ўқиларди, ўзаро муҳокамалар бўларди. Бугун менинг энг бой бисотим — Абдулла Қодирийнинг аямнинг кўз ёшлари томиб саҳифалари сарғайган — “Ўткан кунлар” асари, фозила она-

ларим бор. Шунданми боламни адабиётга, китобга меҳри баланд, иймонни бутун. Тинмай китоб мутолаа қилади. У ойлигидан албатта янги китоблар сотиб олади. Баъзан бошқа ишлар билан андармон бўлиб қолсам, “Ая, мутолаада суст-кашлик қилаяпсиз”, дея менга танбеҳ бериб қўяди. Баъзи янги сотиб олинган китобларни ўғлимдан истиҳола қилиб ўқиб чиққанам рост.

Азиз ота-оналар, тўлақонли комил инсон тарбиясида китобнинг ўрни беқиёслигини унутманг. Фарзандингизни эл фарзанди қилиб тарбиялаш учун “сохта диплом” билан “сотиб олинган мансаб” кифоя қилмайди. Юксак мақсадлар билан яшайдиган, касбига ва бурчида садоқатли, теран фикрли оладиган фарзанд ўстирмоқчи бўлсангиз, боланинг онаси қўлига китоб беринг. Соғлом рухият, тоза маънавият болага онанинг вужудида юқсин, болага она сути билан инсин! Библи қўйинг, онаси олчоқ боладан яхши инсон чиқмайди.

Қайноталар, қайноналар, қувётрулар байрам кунлари, туғилган кунларда келинлош-шаларга яхши пурмаёно китоблар совға қилинг, уларни газета ва журналларга обуна қилиб қўйинг. Шунда совғага сарфлаган пулларингиз фарзандларингиз йўлларини тоабод чароғдон айлаб туради. “Келин, китоб ўқинг, набираларим қўбил бўлсин, олим бўлсин, денг. Келинларингизга китоб мутолааси учун кунига бир соатгина вақт ажратиб беринг! Шунда сиз яратган оила аталмиш боғу бўстонда маънан ва руҳан соғлом фарзандлар камол топади.”

Салима ХОЛДОРОВА,
Навойи кон-металлургия
комбинати музейи раҳбари.

YOQ'OVCHOQ muhrlangan mo'jiza



Ўзбек халқидан азал-азалдан турли хунар эгалари, қўли гул усталар етишиб чиққан. Шу қаторда ёғоч ўймакорлиги соҳаси ҳам бир неча асрдирки, сир-сирини сақлаб келмоқда. Қадим ва кўҳна Самарқанд миллий хунармандчилиқ маркази сифатида маълум ва машхур. Бу ерда оилавий хунармандчилик корхоналарида қадимий хунар турлари ҳамон авлоддан авлодга ўтиб, сайқал топиб келмоқда. Ана шундай устазода хунармандларимиздан бири Миржамол Асадов яқинда Президентимиз фармони билан "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" фахрий унвонига сазовор бўлди. Оддий тахтага «тил киргизган» ёғоч ўймакорлигини иши, санъати бугун бутун дунёга танилмоқда. Устазоданинг фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, ёғоч ўймакорлигининг нозик кўрпалари ҳақида суҳбатлашдик.

— Самарқанд қадимдан ўзининг бой маданият мероси, боқий анъаналари, амалий санъати билан донг таратган, — дейди қаҳрамонимиз. — Айниқса хунармандларнинг ижод маҳсуллари ҳали ҳануз ҳаммани ўзига мафтун этиб келмоқда. Ёғоч ўймакорлигининг сир-асрорларини чуқур ўрганиб, ёғоч устува, эшиқларга нақшлар солаётган отам ва амакиларимнинг ишини кузатиб, уларга тақлидан керакқис тақтилларга нималарнидир муҳрлашга уриндик, бу ҳар қандай ўйиндан кўра завқилроқ, қизиқарлироқ машғулот эди мен учун. Мана салкам ярим асрдан буён ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб келаман. Ота-бобом шу хунар ортидан элда ҳурмат топди. Акам — Мирмур Асадов Ўзбекистон Қаҳрамони бўлган. Ун тўрт ёшимда ушбу хунарни ўзлаштирган бўлсам, фаолиятим давомида ёғоч ўймакорлигининг кўп асрлик бой анъаналаридан фойдаланиб, маҳсулотлар ясадим. Ёғоч ўймакорлигини замонамиз руҳига монанд янги жило ва безаклар билан бойитишга ҳаракат қилдим, юзлаб шогирдлар етиштирдим.

Миллий хунармандчилик, тарихий иншоотларни қайта тиклашга берилган эътибор туфайли мустақиллигимизнинг 29 йили давомида Имом ал-Бухорий мажмуаси, Имом ал-Мотрудий мақбараси, Регистон, Руҳобод, Шоҳи Зинда мажмуалари, Хўжа Ахрор Вали ва Бибихоним масжидлари, Амир Темура мақбараси, Афросиёб музей-қўриқхонаси, Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи, Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон тарихи ва маданияти музейи, Ўзбек миллий театри, Хотира майдони, Мухтор Ашрафий, Ойбек, Гафур Ғулум ўймакорлиги, Республика кўғирчоқ театри каби тарихий ва замонавий биноларнинг таъмирланиши ҳамда қурилиш ишларида иштирок этган қаҳрамонимиз бугун юртимизнинг ана шундай салобатли биноларига кўрқ беришга ҳисса қўшганидан фахрланиб яшамоқда.

Тарихий обидаларимиз, шаҳар дарвозалари ва устунларидаги бетакрор санъат асарлари бир неча асрлар ошса-да, ўз жозибасини йўқотмасдан келаяпти. Бунинг сирини хунарманд энг аввало, ёғоч тайёрлашга жиддий эътибор қаратилгани, уста уни бутун борлигини бериб ишлагани билан изоҳлайди.

— Самарқанд ёғоч ўймакорлиги ривожининг энг асосий омилларидан

бири бу ерда "Устоз-шогирд" мактабининг анъанавий тарзда давом эттирилатганидир, — дейди Миржамол ота. — Шунинг учун ҳам бу мактаб яратган нақшлар асрлар оша ўз шаклини йўқотмайди. Мен ҳам устозларим сингари бу хунарнинг сир-асрорларини ёшларга ўргатишга ҳаракат қиляман. Ахир ҳар бир устанинг издошлари бўлиши керак-да. Ҳозирда Самарқанд шаҳрида муъжизгина устахонам бор. Бу ерда фарзандларим, невараларим, шогирдларим ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланади, уларга баҳоли қудрат ушбу хунар сирларини ўргатаман.

Миржамол Асадов Самарқанддаги ёғоч ўймакорлиги миллий амалий санъатининг машхур намояндалари — усто Асадовлар сулоласининг тўртинчи авлоди. У Ўзбекистон иқлимида ўсадиган қайрағоч, чинор, тул, ёнғок дарахтлари ёғочларидан эшик, чорпоқ, стол-стул, ёғоч шифт ва устунлар ясайди. У ясаган ҳар бир буюм санъат асари. Уста-шогирд мактабини ривожлантириш мақсадида юзлаб шогирдларни етиштирмоқда.

— Қасбимиз албатта машаққатли. Узоқ вақтни, астойдил меҳнатни ва сабр-тоқатни талаб қилади. Қолаверса, ўзига хос сир-асрорлари мавжуд. Уларга амап қилиш эса ўта муҳим, — суҳбатни давом эттиради уста. — Мисол учун, ҳар бир маҳсулотни тайёрлаш олдида ёғоч, у чинор, қайрағоч, ёнғок ва бошқа дарахтлар бўладими беш йил давомида табиий ҳолатда қуритилади. Ёғочни қуритиш ҳам ўзига яраша эътиборни талаб қилади. Шошма-шошарлик билан қуритилган ёғочдан ясалган маҳсулотлар сифатли

бўлмайди. Ёғочлар салқин, шамол тегадиган жойда сақланиши керак. Иш жараёнида ҳеч қандай сунъий бўёқлардан фойдаланилмайди. Фақатгина ёғочга ишлов беришнинг сўнги босқичида у махсус рангсиз бўёқ (лак) билан қопланади. Шу сабабли бизнинг маҳсулотларимиз узоқ йиллар давомида табиий рангини сақлаб қолади.

Миржамол Асадов ва фарзандлари томонидан ясалган санъат намуналарини АҚШ, БАА, Қозоғистон, Грузия, Россиянинг кўплаб шаҳарлари, шунингдек Туркиянинг Коня шаҳрида учратиш мумкин. Бу оила халқор хунармандчилик фестивалларида бир неча бор голиб бўлган.

Ёғоч ўймакорлиги ўта синчковлик, маҳорат талаб этадиган санъатдир. Уста томонидан тайёрланаётган ёғоч ўймакорлигининг намуналарига бугун хориқлик сайёҳларнинг ҳам қизиқиши катта. Айни кунларда мазкур санъат турини янада ривожлантириш, бу мактабга хос қадимий нақш усулларини қайта тиклаш йўлида ижодий изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса ўзбек амалий санъатининг дунёда янада шухрат қозонишида айни муддао бўлаётир. Улар яратган ўймакорлик дурдоналарини "Ёғочга муҳрланган мўъжиза", десак, асло муболага бўлмайди.

— Ёғоч бизнинг нонимиздир, — сўзида давом этади хунарманд. — У қанчалик яхши бўлса, қилган ишимизнинг сифати ҳам шунга яраша бўлади. Ёғочни кесиш, ўйиш, чизиш, бўртма шакллар яратиш ҳамда уларни бир-бирига ёпиштириб, ҳандасий шакллар,

ўсимликсимон тасвирлар, нақшлар ҳосил қилиш ижодкордан маҳорат талаб этади. Шунинг учун ишнинг маромига етишида кунт ва сабр ҳам етакчилик қилади. Яна бир муҳим жиҳат, отам касбга нисбатан ҳалол ва меҳрли бўлишини доим уқтирган, сабаби ҳар бир буюмини яшаш жараёнида қалб кечинмалари, ниёт ва истак унга кўчади.


Устанинг айтишича, нақшошлик санъатига чуқур ўйиб ишлаш, Тошкент мактабига майинлик, Бухоро хунармандларига зичлик хос. Самарқандлик усталар эса гулларни кўп акс эттиришади. Ҳар бир вилоятда ёғоч ўймакорлигининг ўзига хос услуб ва йўналишлари мавжуд. Самарқанд мактаби ёғочга нафис ишлов бериш, геометрик ва ўсимликлар тасвирини акс эттириш ҳамда классик уч қаватли ўймакорлик техникаси билан ажралиб туради. Ана шу анъаналарни бугунги кунда Самарқандда ёғоч билан "тиллашиб", унга "жон" бахш этиб келаётган Асадовларнинг авлоди давом эттириб келмоқда.

Уста сермаҳсул меҳнат фаолияти давомида икки табақали дарвозалар, эшиклар, устунлар, муқарнаслар, кўп метрли яхлит айвонлар каби мураккаб амалий санъат асарларини яратди. Устанинг ишлари ҳозирда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бунёд этилган зиёратгоҳлар ва муқаддас қадамжоларни безаб турибди.

— Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида барча соҳалар қаторида бебаҳо меросимиз ва миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилатган кенг кўламли ишлар натижасида миллий хунармандчилигимиз ҳам тобора гуллаб-яшнамоқда, — дейди уста. — Бугун хунар эгаллайман, ажодларим йўлини давом эттираман, деган ёшларга барча имконияти яратилган. Ҳар бир истеъдод эгасининг ижоди кўллаб-қувватланмоқда. Оддий хунармандга шундай юксак мукофотнинг топширилиши давлатимиз раҳбари ва ҳукуратимиз томонидан хунармандчилик эртаси, келажакга қаратилаётган эътиборнинг намунаси, деб биламан. Ушбу мукофот келгусида менга янада масъулият билан ишлаш, тарихий биноларимизга кўрқ бериш учун билдирилган ишончдир. Ана шу ишончга муносиб бўлиб, юртимиздаги осори-атиқаларни сақлаш, уларни келгуси авлодларга етказиш, айниқса ёғоч ўймакорлигини ёшларга ўргатиш, шогирдлар тайёрлаш борасида янада кўпроқ меҳнат қиламан.

Инсоният ақл-тафаккури, ижодий изланиши, ҳамда қалб кўри билан яратилган ижод маҳсулидан гўзал санъат асарлари пайдо бўлади. Ёғочга ишлов бериш жараёнида инсондан сабр-тоқат, кунт ва нозик дид талаб қилинади. Машаққат билан яратилаётган санъат намунаси салгина қалтис ҳаракат туфайли ҳам зарар кўриши мумкин. Хунарингиз орқали ясалган буюмларда ички кечинмаларингиз, меҳр-муҳаббат туйғулари, одамийлик фазилатларини акс эттира олиш эса чинакам мўъжизадир.

Чарос ДЎСТМАТОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.



MORGUZARTOG' KIYIKLARI

(“Куёвтош ва Келинтош” афсонаси)

Бу гўзал ривоятни яқинда уруш факрийси сангзорлик Холбой тоға сўзлаб берди:

— Бу юрт ўзи аввал-азалдан жоппа-жовлик шоир ўтганми дейман-да. У пайтлар ёш эдик, юк мошин ҳайдардим. Ғўралассойдан арча қирқиб, ортиб келамиз.

Бир куни тоғ бағридаги адирлик туташиб кетадиган жойидан бир йигит чиқди. Куёвлик сарпосида. Бошига қизил хошияли салла ўраган, кулимсираб турибди. Ййи, ййи, деб киприк қоққаними биламан, яна қарасам, икки, икки ярим метр баландликдаги йигит — тош турибди! Ўзи бояги куёвийгит. Ҳаттоки, салласининг хошиялари ҳам қизил, қип-қизил, лекин тош....

“Э, Худойимнинг қудратидан” деб, пастга, арчазорга тушдик. Бир маҳал қарасам, телароқдан бир қиз келяпти. Баланд бўйли, ҳаддан ортиқ чиройли қиз. Бошига қозон кўтариб олибди. Арчалар орасида бир кўриниб, бир кўринмай қолади. Унда ёш, навқирон йигитлар эдик.

Бу ўртада бундай чиройли қиз йўғийди-ку, — дедим шеригимга. Машинадан тушиб борсак, чинданам ўша қиз. Бошига қозонини мана шундай қилиб ушлаб олган. Лекин... уям тош! Ҳайрон қолганими кўриб, шеригим тушунтирди:

— Ҳар иккала, куёвтош ҳам келинтош ҳам биринчи бор кўринган инсонга тирик инсонлар қиёфасида намоён бўларкан. Аммо бу ҳолат жуда оний, лаҳза-лаҳзалардагина содир бўлиб, бир киприк қоқишингиз ҳамона, тагин тош қиёфасига ўтаркан.

Аввал-аввал, Усрушна даврларидан ҳам аввал Зомин бир пошшолик. Нўшкент бир пошшолик бўлган экан. Ўртада Моргузар-Шунқортоғ. Лекин элатлар бир-бирини еб-ютишга тайёр ёв-ғанимлар экан. Ҳар замонда бир баҳона топиб, урушиб ҳам тураркан.

Кунларнинг бирида Зомин пошшоликдан бир йигит Нўшкент пошшоликдаги бир қизни севиб қолибди.



Қиз Шунқортоғнинг энг чўққиларидагина ўсадиган энг бегард, бегубор гул-ғиёҳи — тозагулдай кўркама экан. Отиям Тозагул

Лекин йигит томондагилар ҳам, қиз томондагилар ҳам бу муҳаббатдан қаттиқ норози бўлишибди. — Агар шу қизни десанг, Шунқортоғдан қайтиб оша кўрма, — дея шарт қўйибди элатдошлари.

Йигит ҳам рози бўлиб, қизил хошияли куёвсалласини ўраб, тоққа чиқиб кетибди.

Қиз тарафдагиларга ҳам Тозагулдай сулув қизлари бегонага, яна бунинг устига ёв йигитига кетаётгани жуда алам қилибди. Чўққи оралигидаги ошувда қиличларини яланғочлаб кутиб туришибди. Ошиқ йигит ошувдан кўриниши билан чолиб ташламоқчи бўлишибди.

Ниҳоят, йигит кўринибди! Арчалар оралаб, дил рози аломатига бир қозон қимизни бошига кўтариб келаётган Тозагулнинг кўзларига кўзи тушибди! Табасум билан ошувдан энди пастга энмоқчи бўлганда, пойлаб турган рақиблари

унга қараб югуришибди.

Бироқ шу лаҳза осмонда момақалдирик қаттиқ гулдираб, дўл аралаш шаррос жала қуйибди. Бир зум ўтиб, жала қандай тез бошланган бўлса, шундай тез тинибди. Рақиблар

тепаликка ошиқ йигитга хужумга ўтибди. Лекин шиддат билан урилган қиличларнинг дами ёйдай қайрилиб, синиб кетаверибди. Ҳайрон бўлиб, ихтиёрсиз сурьатда осмонга қарабди. Офтоб жилмайиб турар, Шунқортоғ бошида ранго-ранг Ҳасан-Хусан — камалак порлабди! Камалакнинг бир учи куёвтош бошида тураркан, бир учи арчазорда келинтошнинг бошида тураркан.

Одамлар ҳали ўзларини ўнглаб олмасдан туриб, тоғдан икки кийикча тушиб келибди. Куёвтош ва келинтош атрофида айланиб-айланиб, Сутлибулоқдан сут-сув ичиб, шўх-шўх ўйноқлаганича яна тоғларга чиқиб кетибди!

Шунда икки элнинг оқил одамлари бу кийикчалар аслида Тошқиз ва Тошйигитнинг руҳи эканлигини англабди. Уларнинг муҳаббати анчайин ҳавасмас, илоҳдан келган илоҳий бир дард бўлганини тушунибди.

— Ошиқлик — ёмон дард, — дейишибди бу дардла дардланганлар. — У дардининг йўли юрагингдан ўтади. Куйдириб, куйдиргани баробар, куй чиқариб, куйлатиб ўтади...

Ошиқлик — ёшиқликдир, унинг увولى ёмон, бир томири то қиёмат тақдирингга тобишлиқдир, — дейишибди. “Ҳақ Дўст! Ё Оллоҳ!” дея, қирқ ямоқ чолони барини қайириб Сутлибулоқ бўйига ўтираётган қаландарлар: — Илло, ошиқлик Атодан, маъшўқлик Ҳаводан кутлуг меросдур!...

Алҳол, икки элат ярашибди. Воқеан, энди урушмасликка, аҳил-тотувликка аҳд қилишибди. “Баримиз битта тоғнинг Моргузарнинг кийиклари эканмиз-ку?” — дея бир-бирлари билан оға-ини, биродарлар бўлишибди.

Сатьяна БОБОМУРОВА,
Жиззах шаҳри.

QALBLAR ORASIDAGI MASOFA

Бир куни устоз шогирдларидан сўради: — Нега одамлар жанжаллашганда бақриб гапиради?

— Чунки қизишиб кетиб, вазминлигини йўқотади, — жавоб қилди улардан бири.

— Лекин иккинчи одам ёнингда турган бўлса, бақришга не ҳожат? — сўради устоз. — У билан сокин гаплашишнинг иложи йўқми? Нега жаҳл чиққанда, албатта овозни баландлатиш керак?

Шогирдлар ўз жавобларини таклиф этар, аммо ҳеч бирининг фикри устозга маъқул келмасди. Ахирий унинг ўзи изоҳ беришга қарор қилди.

— Инсонлар бир-биридан норози бўлиб, гап таллашиб қолганда, уларнинг қалби узоқлашади. Ушбу масофани қоплаш ва бир-бирини эшитиш учун, бақриб гапиришга тўғри келади. Жаҳл ва ғазаб қанчалик кучли бўлса, улар шунчалик овозини баландлатади.

— Одамлар бир-бирига мөҳр қўйганда нима юз беради? Улар бақирмайди, аксинча, аста сўзлашади. Бири иккинчисини бемалол эшита олади. Чунки уларнинг қалби жуда яқин. Ҳатто шивирлаб гапирганда ёки бир оғиз сўз айтмай, биргина нигоҳнинг ўзидан сўхбатдошини англай олади.

Шундай экан, баҳсланиб, жанжаллашганда, қалблар бир-биридан узоқлашишига йўл қўйманг, орада масофани кенгайтирувчи, кейин афсус-надомат чектирувчи сўзларни ишлатманг.

ГУЛЧЕХРА.



Qatrlar

YO‘L

Йўлга чиққан йўлчиға ўхшайман. Юксак чўққини кўзлаб. Биламан, йўлимда ҳали кўп тўсиқлар учрайди. Қулишади, писанд қилишмайди, юрагимни кўзлаб, ўқ ҳам отишади. Ҳатто мени мажақлаб ташлашга тайёр турган йўлбарслар ҳам бор. Гоҳ тиканли, гоҳ текис йўллардан баъзан чекинаман, баъзан қоқиламан, лекин бу йўлдан қайтиш йўқ. Барибир юксак чўққи қанчалик узоқ ва машаққатли бўлмасин оёғимда сўнгги мадор қолгунча йўл юраман. Бу чўққиға етиш насиб этакими йўқми билмайман. Аммо қайтиш йўқ.

GUL VA KO‘NGIL


Тувакдаги гулимнинг айрим барглари қовжираб қолибди. Ҳар гал кўзми тушганида ҳафсалам пир бўла бошлайди. Сўлиган ва қовжираган баргларни олиб ташлаганимдан сўнг гуллар бошқача шаклга кириб, кўзни қувонтирадиган бўлди. Уйландим.

Инсон қалби ҳам шундай. Агар вақтида кўнглингиздаги гина-қудурат, нафрат, ёмон ўй-хаёлларни юлиб ташламангиз, қалбингиз ҳам хираллашиб бораваради. Уни тозалаб турсак, қалб ҳам ойнадек, равшан ва тиник бўлади. Яхши ўй, яхши ният қалбимиз зийнати бўлсин.

Ҳилола ОТАЖОН қизи.

oilavajamiyat@mail.ru

SAMARALI MEHNAT MAQTOVGA LOYIQ



давлат, 1 та хусусий, 2 та давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат, 50 та давлат хусусий шерикчилик асосида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг буюк вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусда белгилаб берилган вазифаларни бажариш, шунингдек, қатор онлайн танловларнинг вилоят bosqichlarida туман тарбияланувчилари фаол иштирок этиб келмоқда.

Мактабгача ёшдаги болалар ўртасида китоб мутолаасини тинглаш кўникмасини тарғиб

қилиш болалар қалбида инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик, олийжаноблик каби фазилатларни шакллантириш, мустақил фикрлаш кўникмасини ошириш, нутқини ўстириш ва бойитиш, китобга бўлган муҳаббатни уйғотиш, олийжаноб хизматларга жалб этиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек 7-сонли ДМТТ ўрта гуруҳ тарбиячиси Рамзия Жумаева вилоят мактабгача таълим бошқармасининг буйруғи асосида ташкил этилган "Моҳир қўллар" онлайн танловида туман ДМТТлари ўртасида 1-ўринни эгаллаб вилоят bosqichiga йўлланмани қўлга киритди.

Туман мактабгача таълим ташкилотлари педагогик жамоалари ҳам пандемия даврида тарбияланувчиларнинг таътиллари мазмунли ва фойдали ўтказишлари учун шарт-шароит яратмоқдалар. Карантин тартибларига амал қилган ҳолда таълим-тарбия ишларини йўлга қўйишга киришилган. Шу кун талабларидан келиб чиқиб, тарбиячилар кунлик режа асосида онлайн машғулотлар ўтмоқдалар. Бунда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Айни вақтда болаларнинг ота-оналари билан ҳам кўпроқ мулоқот қилиш имконияти вужудга келди. Кичкинтойлар сабоқларни қандай ўзлаштирганлини баҳолашда уларнинг фикрлари ҳам ҳисобга олинмоқда. Шу билан бирга ҳар кун болалар билан мулоқотда шахсий гигиенага риоя қилиш, қўлларни тез-тез совуллаб ювиш зарурлиги ўқтириляпти.

“Туманда 102 та мактабгача таълим ташкилотлари бўлиб, шундан 49 та давлат, 1 та хусусий, 2 та давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат, 50 та давлат хусусий шерикчилик асосида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларидир.”

Мана шундай эл бошига иш тушган даврда бирдамлик, ҳамжиҳатлик билан синовли кунларни енгишимиз, барча карантин қоидаларига амал қилишимиз муҳим аҳамиятга эга.

Мактабгача таълим тизими ходимларининг асосий мақсади – ёш авлод вакиллари таълим-тарбия беришда узилиш бўлмаслигини таъминлаш. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тақдим этган бир қатор лойиҳалардан ҳам фойдаланилмоқда.


Чорихон ҚОСИМОВ.



Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳамда тизимда олиб борилаётган таълим-тарбиявий ишлар таҳсинга лойиқ. Мазкур туманда 19 884 нафар 3-7 ёшли болалар бўлиб, улардан 11 120 нафари мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳисобланади.

Туманда 102 та мактабгача таълим ташкилотлари бўлиб, шундан 49 та

АУВНИ О'zimizdan izlaylik



Эрта тонгдан кимдир ишга, кимдир ўқишга шошади. Чорраҳалар одамлар билан гавжум. Ҳар бир дақиқани ганимат билган тенгдошларимиз кунини самарали ўтказиш пайида, бироқ беш қўл баробар эмас-да...

Қўшнимиз Ҳилола 21 ёшда. Тайинли юмуши йўқ. Дунёни сув босса, тўпиғига

чиқмайдиғанлардан.

Унинг беҳуда ўтаётган умрига ачинасан, киши. Пешингача ухлаб, тун ярмигача кўчада юрадиган қизнинг ота-онасига ҳам қойилмасман. Унга яқинда фалон пулга телефон олиб беришибди. Ота-онаси унинг ўқишига ҳам қизиқишмаган. Опам Дилноза билан бир курсда ўқийди. Ҳамма институт дарвозасидан билим оламан деб кирса, Ҳилола бугун қайси йигит билан танишар эканман, кимлар мени туш-

лиққа таклиф қилади деб ўқишга борар экан. Опам ҳеч бўлмаганда ота-онасига раҳми келса бўларди деб ойимга Ҳилоланинг қилиқларини айтиб берганларини эшитганман.

Тунов кунни онаси бизни кичкиради. Ҳилоланинг онаси ҳам анча-мунча одамни писанд қилмайди. Онаси ойимга дийдиё қилди. Айтишича, қизи келаётган совчиларнинг ҳаммасидан камчилик топар, ҳатто ўз соҳаси бўйича ишлашни ҳам хоҳламаётган экан. Бечора аёл не қиларини билмай дардини ичига ютиб, тўғри йўлга бошловмай жони ҳалак... Онаси унга янги телефон олиб берганларидан бери ўзгариб қолган деди. Қўлига телефон тушган кундан фикри-зикри ўша матоҳ билан банд. Ўйлаиб қолдим бўйи етган қиз ота-онам, оиламга нафим тегсин, дейиш ўрнига туну кун таралабедод юрса.

Бувим ўзинг пиширган ошни айланми ҳам, ўргилиб ҳам ўзинг ичасан, дерди. Ушанда бунинг маъносига кўпам тушунмаган эканман. Бугун эса

“Онаси унга янги телефон олиб берганларидан бери ўзгариб қолган деди. Қўлига телефон тушган кундан фикри-зикри ўша матоҳ билан банд. Ўйлаиб қолдим бўйи етган қиз ота-онам, оиламга нафим тегсин, дейиш ўрнига туну кун таралабедод юрса.**”**

Ҳилоланинг оила аъзолари аспиди айни ўзларидан қидиргани маъқулмикан, чунки фалон нархга олинган ўша телефон ўрнига қизининг қизиқишига қараб бошқа бир хунарга ўргатса бўлармиди, деб ўйлаб қолдим. Қаёқларга боради, ўртоқлари кимлар, суриштириб тергаб туришса яхши бўлармиди деб хаёлимдан ўтқаздим.

Илдизи бақувват, тўғри парваришланган ниҳол бир кун, албатта, ўз мева-сини беради. Фарзанда қандай тарбия берилса, шунга монанд камолга етади. Зеро, соғлом муҳит ҳукм сурган оилада улғайган бола кун келиб, яқинларига ва бу орада жамиятга наф келтириши тасин. Хулоса қилиб айтганда, ота-оналаримиз фарзандлари кимнинг олдиди, кимлар билан яқин

муносабатда, қўл телефонида кимлар билан суҳбатлашади, кеч бўлганда қаерларга боради, шуларни сўраб вақтида тергаб туришса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро бола тарбияси ўта муҳим аҳамиятга эга.


Ферузбек САЙФУЛЛАЕВ.

Миллий телеканалда “Бола тилидан” номли дастурни доим мароқ билан томоша қиламан. Жажжи кичкинтойларнинг беғуборлик билан гапиришлари мени шу кўрсатувни кўришга мажбур қилади гўё. Аммо кўрсатувнинг шу ҳафтадаги сонидида бир болакай ўзи билмаган ҳолда даҳшатли кўркувларини сўзлай кетди. Ҳали эсини тўлиқ танимаган жажжи кичкинтой ажиналар ҳақида гапира бошласа денг...

Яна етмаганидек у “ажиналар бизни сўйиб ташлайди, мана бундай қилиб ўлдиради” дея қўлларини бўйни устидан ҳаракатлантириб кўрсатиб ҳам берди. Тўғриси, ҳайратдан ёқа ушладим, наҳотки миттигина болакай шу қадар ваҳший ажиналар билан кўрқитилса. Унга бу гапларни ким айтди экан?! У қачонгача шундай кўркув остида яшайди?

Аслини олганда бола тарбияси билан шугулланаётган оналар, фарзандини шу йўл орқали тинчлантириш ёки ухлатишни маъқул кўришади. Улар учун бу энг тўғри йўлдек кўринади гўё. Бир кўшнимиз бўлар эди, уйимизга келиб саккиз ёшли қизининг кечалари ёмон туш кўриб кўрқиб ухлай олмай чиқаётганини айтарди. Унинг айтишича, қизи кечалари йиғлар, шовқин солиб бақириб ойисини чақираверар экан. Кўшнимиз ўшанда бунга ўзим айбдорман деган эди, сабаби қизини тезроқ ухлатиш мақсадида бошқаси ҳайвонлар номларини айтиб, болаларни кўрқитмоқчи бўлади. Бу боланинг психологиясига қандай таъсир қилади? Натижада бола кўрқоқ бўлиб қолмайдими? Мазкур мавзу ҳақида болалар психолога Барногул Файзиева қуйидаги фикрларни билдириб ўтди:

“Ajina kelayapdi uxla, bolam!” yoxud qo‘rquv bilan ulg‘ayayotgan bolalar



Халқимизда ёш болаларни тинчлантириш учун уларни кўрқитиш деярли одатга айланган қолган. Кимдир шифокорлар, бошқаси ҳайвонлар номларини айтиб, болаларни кўрқитмоқчи бўлади. Бу боланинг психологиясига қандай таъсир қилади? Натижада бола кўрқоқ бўлиб қолмайдими? Мазкур мавзу ҳақида болалар психолога Барногул Файзиева қуйидаги фикрларни билдириб ўтди:

– Куни кеча автобусда шовқин кўтариб йиғлаётган чамаси бир ёшлар орасидаги болани, онаси “Ана

Бир

кўшнимиз бўлар эди, уйимизга келиб саккиз ёшли қизининг кечалари ёмон туш кўриб кўрқиб ухлай олмай чиқаётганини айтарди. Унинг айтишича қизи кечалари йиғлар, шовқин солиб бақириб ойисини чақираверар экан. Кўшнимиз ўшанда бунга ўзим айбдорман деган эди, сабаби қизини тезроқ ухлатиш мақсадида бошқаси ҳайвонлар номларини айтиб, болаларни кўрқитмоқчи бўлади. Бу боланинг психологиясига қандай таъсир қилади? Натижада бола кўрқоқ бўлиб қолмайдими? Мазкур мавзу ҳақида болалар психолога Барногул Файзиева қуйидаги фикрларни билдириб ўтди:

бўбў келаяпти жим” дея тинчлантирган бўлди. Кўзларини катта-катта очиб кўрқётган болажон эса олазарак бўлиб онаси айтган бўбўни атрофдан излаб жим қолди. Бу усул билан кўп аёллар фарзандларини тинчлантиришади ёки ухлатишади. Аммо бу кейинчалик бола психологиясида натижасини кўрсатишини билишмайди. Ҳали эсини таниб улгурмаган болани кўрқитиб жим қилаётган оналар, эҳтиёт бўлинг, фарзандингизда шаклланаётган хислар орасида кўрқоқлик хиссини ўз кўлингиз

билан яратган бўлиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Боланинг хаёлида хунук, кўрқинчли кўринишдаги қахрамонлар мавжуд. Уларни бола тасаввурлари, телевизордаги мультқахрамонлар ва онасининг эртақлари орқали яратиб олади ва эсини тўлиқ танимагунча улардан кўрқиб яшайди.

Кўркув хисси боланинг темперамент тури билан боғлиқдир (биламизки, тўртта темперамент тури мавжуд, сангеник, холерик, левматик, меланхолик). Масалан, сангеник ва холерик темперамент типига боғлиқ болалар ўзига ишонган, дадил, ота-онасининг ва атрофдагиларнинг ёрдамига муҳтож эмас, мустақил бўлишади. Лекин плегматик ва меланхолик темперамент типига хос бўлган болалар ўзига ишонмайдиган, ота-онаси ва яқинларига суянадиган, кўркув даражаси юқори болалар бўлишади. Айниқса меланхолик типидagi болалар ҳар доим кимдандир ёрдам кутиб яшайди.

Кўркувнинг негизда таъсирчанлик ва ўзига ишонмаслик каби хислатлар ётади. Мактаб давригача бўлган вақтдаги кўркув бу ҳавотирли эмас, аммо фарзандингизда кўркув хиссини кучаяётганини сезсангиз у билан янаям яқинроқ бўлиб кўпроқ суҳбат куришга ҳаракат қилинг. Ундаги заифликларни оналик меҳри билан енгиллашга уриниб кўринг. Зеро ҳар қандай фарзанд ота-она меҳрига ташна. Ҳиссий яқинлик тушунчаси ҳақида ҳам ҳар бир ота-она билмоғи лозим. Бу дегани фарзандингизнинг ичидан қандай фикр хаёллар ўтаяпти, у нима ҳақида ўйляпти, нималарни режалаштирапти билишни истасангиз фарзандингизга бола вақтидан ҳиссий яқин бўлишга урининг. Унинг қалбида ўзингизга бўлган ишонч яратинг. Унинг сабрли, иродали бўлиб улғайишига ҳисса кўшмоғингиз даркор.

Василабону ҲАБИБУЛЛАЕВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

Фобия – маълум бир тузилишга эга ёпишқоқ кўркув бўлиб, муайян вазиятда одамнинг иродасига қарши юзага келади. Фобия ва кўркув ўхшаш, аммо кўркув руҳиятнинг табиий ҳимоя вазифаси ҳисобланади, фобия эса унинг меъёрдан четга чиқишидир. Фобия таъсирида инсон вужудини кўркув қамраб олади ва у муайян вазиятлардан, фаолият турларидан ёки объектлардан қочишга ҳаракат қила бошлайди.

Деярли ҳар биримизда яққол ифодаланган кўркувни ўзида акс эттирган фобиялар мавжуд бўлиб, улар турли ҳаётий вазиятларда намоён бўлади. Баъзида фобиялар вақт ўтиши билан йўқ бўлиб кетади, баъзан эса тобора кучаяди. Психотерапия мутахассислари беш юздан ортиқ турли хил фобияларни аниқлашга муваффақ бўлишган, аммо ҳозирги кунда уларнинг мингдан ортиқ тури мавжуд. Қуйида энг кенг тарқалганлари билан танишиб чиқамиз.

Авиафобия ёки аэрофобия –
учишдан кўрқиб

Бунда ҳавога парвоз қилиш вақтида ваҳимага тушиш, қўлларнинг титраши, юз рангининг оқариши кузатилади.

Кўз қорачиғининг катталашши, аэропортга қадам босишга кўрқиб ва самолётни кўрган заҳоти пайдо бўладиган ваҳима сизда аэрофобия борлигини билдиради. Лекин



VUJUDNI QAMRAV OLUVCHI QO‘RQUV

сиз шунчаки ноқулайлик сезаётган бўлсангиз, бу ўз жонини сақлашга интилиш инстинкти ҳам бўлиши мумкин. Ҳатто энг тажрибали учувчилар ҳам парвоз пайтида бироз асабийлашиши табиийдир.

Клаустрофобия – берк бўлишдан кўрқиб

Атрофи ёпиқ жойда қолган одам ўзини бўғилаётгандек, ҳаво етишмаётгандек ҳис қилади. У нафас олиши енгиллашиши учун бўйин қисмидаги тугмаларини ечиб, кийимларини юла бошлайди. Бу ҳолат лифтда, кичик хонада ва ҳатто лик тўла жамоат транспортини ичиди ҳам кузатилиши мумкин.

Акрофобия – баландликдан кўрқиб

Турли сўровлар натижасида аксарият одамлар баландликдан кўрқиб маълум бўлди. Мисол учун, кўп қаватли бино баландлигида турган одам ўзини ёмон ҳис қилади: боши айланади, йиқилиб кетмаслик учун ниманидир ушлаб олишга интилади, кучли кўркув хисси пайдо бўлади.

Танатофобия –
ўлишдан кўрқиб

Бу чиндан ҳам глобал муаммо. Тан олиш керакки, бу ҳақда кўпчилик ўйлайди, бироқ аксарият инсонларда ўлим олдиди кўркув ў

ёпишқоқдир. Тадқиқот натижаларига кўра, ҳар бир давлатнинг деярли 10 фоиз аҳолиси ўлимдан қаттиқ кўрқиб маълум бўлди. Биринчи галда одамни мавжуд бўлмаслик ва фанога кетиш фактининг ўзи ваҳимага солар экан.

Ахлуфобия (никтофобия, скотофобия, эклуофобия) – қоронғуликдан, тундан кўрқиб
Зулматдан кўркувчи баъзи инсонлар чироқни ёқиб ухлашни одат қилишган, ёруғлик йўқолиши билан уларнинг кўзига турли шакл ва тасвирлар кўрина бошлайди.

Кинофобия – итлардан кўрқиб

Бу жонивор ҳамма учун ҳам дўстдек туюлмайди. Ушбу кўркув, айниқса, болаликда бирон марта бўлса ҳам ит ҳамласига учраган одамларда учрайди.

Арахнофобия – ўргимчаклардан, музофобия – сичқонлардан кўрқиб

Бу зоофобиянинг бир қисми ҳисобланган ва энг кенг тарқалган кўркув бўлиб, у кўпинча хотин-қизларда учрайди. Рухшуносларнинг таъкидлашича, бу махлуқларнинг кўриниши аниқроғи кўркув эмас, жирканиш, йирганиш хиссини пайдо қиларкан. Бунинг таъсирида одам ваҳимага тушади, афтини буриштиради ва бақира бошлайди.

Аквифобия – сувдан, аблутифобия – сузишдан кўрқиб

Ҳар ким ҳам денгиз, океан ёки бошқа

сув ҳавзасини кўрганда «су!» дея хитоб қилиб, боши билан сувга шўнғимайди. Кўпинча одамлар сузишни билмагани учун ҳам сувдан ҳайқишади. Яна бу кўркув болаликдан ёки кўрқинчли фильмлар таъсирида ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Глоссофобия – омма олдида чиқишдан кўрқиб
Рухшуносларнинг фикрича, омма олдида нуқ сўзлаш ҳаяжони, 95 фоиздан кўп одамлар руҳиятида табиий ҳолдир, аммо улар орасида ҳақиқий глоссофоблар 3 фоиздан ошмайди. Фобиянинг ўзига хос хусусияти – яхши таниш бўлган тингловчилар олдида сўзлашга тўғри келса ҳам, қалтираш, қон босимининг ўзгариши, сўзлаш қобилиятини йўқотиш билан кечадиган ҳар қандай омма олдидаги чиқиш пайтида юзага келадигани беихтиёр кўркув. Ўзига-ўзи паст баҳо бериш, болаликдаги салбий тажрибалар, шунингдек руҳиятнинг интроверт тузилиши (ўз ички дунёсига қамранганлик, эътибор марказида бўлишни ёқтирмаслик) глоссофобиянинг кенг тарқалган сабабларига кирди.

Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.

oilavajamiyat@mail.ru

HALI HAMMASI YAXSHI BO' LADI

Жорий йилнинг олти ойи давомида ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда энг кўп тарқалган мавзу бу пандемия ва унинг атрофидаги касалликлар хусусида кечмоқда. Истаймизми йўқми ушбу вирусдан қутулиш учун барча чора-тадбирлар кўришмоқда. Бугун саҳифамиз орқали ушбу касалликдан ўзимиз ҳамда фарзандларимизни қандай ҳимоя қилиш ва вирусдан сўнг нималарга эътибор бериш хусусида фикрлашамиз. Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Барно Абдусаматова мавзуга доир мулоҳазалари билан ўртоқлашади.



лан кузатиб боринг, қўллаб-қувватланг ва тасалли беринг. Қийин вазиятда уларнинг реакцияси одатий ҳол эканини тушунтиринг. Айрим ота-оналар фарзанди тунда тагини ҳўл қилиб қўйса жаҳлга берилиб болани баттар стрессга тушишига сабаб бўлади. Бу нотўғри ҳолат. Бу болани қаттиқ уятга берилишга олиб келади. Қилган ишдан ҳаддан ортқ уялиш эса унда изтироб чекиш туйғусини келтириб чиқаради. Ёш боланинг қалбини ўртаниши, изтироб чекиши ҳам стрессни янада кучайишига йўл очиб беради. Бола касаллик билан курашаётган вақтда унинг эҳтиёжларини тингланг, тинчлантириш ва хавфсизликда эканлигига ишонтириш учун вақт ажратинг. Тез-тез мақтанг ва рағбатлантириб туринг. Бола ўйин ўйнаши ва ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратинг.

Нима бўлгани ҳақида ёшига қараб

маълумот беринг, микроблар қандай тарқалаётганини ва нима учун қўл, юз гигиенаси муҳим эканини тушунтиринг. Яқинда бир танишим беш яшар ўғилчаси уйига келган одамнинг ёнига югуриб чиқиб антисептик воситасини туттириш одат қилганини хурсанд бўлиб гапириб берди. Уша болача ҳовлида ўйнагач ота-онани

эслатмаса ҳам юз-қўлларини совуллаб ювиб, сўнг уйга кирар экан. Баъзи болаларга гигиенага тўғри амал қилиш кераклиги ҳақида бир марта гапиришни ўзи кифоя. Ҳатто сиз ўргатгандан ҳам зиёда қилиб бажаради. Аммо баъзи болаларга қайта-қайта уқтиришга тўғри келади.

Нима бўлганда ҳам агар болангиз вирус юқтириб олган бўлса асло уни ваҳимага туширманг, энг оғир касаллик ҳақида ҳам умидбахш тарзда гапириб беринг. Масалан, агар болангиз ўзини ёмон ҳис қилаётган бўлса ва уйда ёки шифохонада бўлса, сиз унга қуйидагиларни айтишингиз мумкин:

Сен шифохонада бўлишинг керак, чунки бу сен ва дўстларинг учун хавфсизроқ. Биламан, бу қийин (эҳтимол зерикарли ёки ҳатто қўрқинчли бўлиши мумкин), лекин биз ўзимизни ва бошқаларни хавфсиз сақлаш учун қоидаларга амал қилишимиз керак. Тез орада ҳаммаси изига тушиб кетади».

ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ТУРМУШ ҚУРАЁТГАН ЁШЛАРГА ТАВСИАЛАР

Карантин эълон қилинган вақтдан буён асосий учта талаб: гигиена қоидаларига риоя қилиш, ижтимоий масофани сақлаш, ниқоблар тақиш уқдириляпти. Тўй бўсағасида турган келин-куёвлар мана шу учта қоидага жиддий эътибор беришса, вирус юқтириш эҳтимоли камаяди.

Тўйгача келин ва куёвда югур-югурлар кўп бўлгани боис вақтда овқатланмаслик, уйқуга тўймаслик натижасида иммунитет тушиб кетади. Бу эса вирус юқиши ва оғир кечиш эҳтимолини оширади.

Шунинг учун улар кун тартибини тўғри тузиши – ўз вақтда овқатланиши ва дам олиши фойдали. Шунингдек,

қариндош-уруғлар билан ортиқча учрашувлардан ўзларини сақлаб туриши керак. Чунки бир-бирини саломатлигини – келин тушаётган оилани, куёв эса куёв бўлаётган оилани саломатлигини ўйлашга мажбур. Афсуски, айрим қайноналар кўни-кўшнилари, қариндош-уруғларини келиннинг қўлидан чой ичишга чақириш ниятида меҳмондорчиликни кучайтириб юборишади. Бечора келин ҳам қайнонасининг райини қайтара олмай меҳмонлар олдида ўзини кўз-кўз қилишга мажбур. Бундай хою-ҳаваслардан энг кўп келин-куёвлар зарар кўради.

Халқимиз топганимиз тўйларга буюрсин, деб ният қилади. Тўй бўлгани яхши, бу хабар ҳаммага бирдек хуш ёқади. Уша тўйда иштирок этгиси, яллалардан баҳраманд бўлгиси келади. Аммо бу чиқиқш бизнинг соғлигимиздандала баланд турмаслигини унутмаслигимиз керак. Шу боис танишларимиз тўй қилаётган бўлса айтмаса хафа бўлмайлди. Тўй қилаётган инсонларнинг яқин қариндоши бўлмаган, хавф гуруҳида бўлган ёши катталарни тўй ва маросимларга вақтинчалик бормай туриши мақсадга мувофиқ.

КОРОНАВИРУСДАН ТУЗАЛГАН, АСОРАТЛАР ҚОЛМАСЛИГИ УЧУН БЕМОНИ ҚАНДАЙ ПАРВАРИШЛАШ КЕРАК?

Даволаниш жараёнидан кейин ҳолсизлик бўлиши табиий ҳолат. Чунки касаллик энгил кечса ҳам ўз асоратини ташлаб кетади. Баъзиларда ўпкан шикастланиши фиброз кузатилади, яъни меъдрий тўқима ўрнини бириктирувчи тўқима эгаллайди. Шунинг учун уй ёки амбулатор шароитда реабилитация жараёни олиб бориш керак.

Реабилитация жараёнини нафас машқларидан бошлаш керак. Кунига 10-15 дақиқадан бошлаб секин аста кўпайтириш керак. Жисмоний зўриқиш келтирувчи ишларга тўлиқ тузалмагунча ўтиш тавсия этилмайди. Медикаментоз терапиядан шифокор тавсиясига кўра қабул қилишингиз керак.

Гимнастикадан ташқари вибрацион массаж ҳам анча ёрдам беради. Бу жуда осон. Қўлларимиз билан ўпканинг пастки бўлагидан юқорига қараб секин-аста уриб чиқамиз. Бу – ўпқадаги туриб қолган ҳолатни энгиллаштириб беради.

Касалликдан тузалган кишига витаминга бой озиқ-овқатлар бериш, бадантарбия билан шуғуллантириш, нафас машқларга эътибор бериш, меҳнат ҳамда дам олиш режимини сақлаш, кўпроқ очиқ ҳавода бўлишни таъминлаш зарур.

УШБУ ВИРУСНИ ЮҚТИРИБ ОЛГАН БОЛАЛАРНИ ЭНГ АВВАЛО СТРЕССГА БЕРИЛМАСЛИГИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЗАРУР.

Баъзи болаларга гигиенага тўғри амал қилиш кераклиги ҳақида бир марта гапиришни ўзи кифоя. Ҳатто сиз ўргатгандан ҳам зиёда қилиб бажаради. Аммо баъзи болаларга қайта-қайта уқтиришга тўғри келади.

Нима бўлгани ҳақида ёшига қараб маълумот беринг, микроблар қандай тарқалаётганини ва нима учун қўл, юз гигиенаси муҳим эканини тушунтиринг.

Нима бўлганда ҳам агар болангиз вирус юқтириб олган бўлса асло уни ваҳимага туширманг, энг оғир касаллик ҳақида ҳам умидбахш тарзда гапириб беринг.

CHANG KANALARI KASALLIK CHAQIRADI

Кир чойшаблар. Инсон ҳар ҳафта ўртача 15 грамм ўлик терини йўқотади, бу тери қолдиқлари чойшабларда қолади ва чанг каналари учун ажойиб

озуқага айланади. Экзема, мавсумий аллергия, терининг яллиғланиши ва бошқаларни келтириб чиқариш эҳтимоли бор. Чойшабларни ҳафтасига 1-2 марта 60 даражали иссиқ сувда ювиш керак.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ташкилотлари вентиляция тўйнуқларидаги кичик миқдордаги чанг одамга таъсир қилмаслигини айтишади, бироқ у ерда пайдо бўладиган могор ва чангнинг катта миқдори одам саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади.

Кўпинча ифлослантириш чангпотикининг эскилиги ва унда махсус филтърнинг йўқлиги

сабаб юз берган. Чанг ва бактерияларга қарши курашишнинг энг яхши усули – махсус филтърга эга янги чангпотикини харид қилиш ва техникани доимий равишда тозаллаб туриш.

Эски бўёқ. Илгари бўёқларда ҳозиргига қараганда кўпроқ хавфли моддалар бўлган, айрим мамлакатларда эса ҳатто оғир металллар ҳам қўшилган.

Музлаткичининг ифлосланган жавонлари ва бўлмалари, бир қарашда улар тоза кўринса ҳам саломатлигингиз учун зарар келтирадиган бактериялар яширинган бўлиши мумкин. Бу бактериялар чақирадиган касалликлар жиддий ва улар сабабли заҳарланиш юз беради.

Ювиниш хонасидаги одатий буюм-



ларга керагича эътибор қаратмаймиз. Бироқ айнан улар касаллик чақирувчи бактериялар, могор, чанг каналари ва бошқа кўллаб яширин хавфларга эга бўлиши мумкин.

Саҳифани Нигора Алишер қизи тайёрлади.



KELIN HAM BIROVNING DILBANDI



Unga o'z farzandingizdek munosabatda bo'ling

Биринчи воқеа: Дилобарни бувиси катта қилган. Ота-онаси чет элга ишга кетгач у бувисининг қўлида қолди. Албатта бувиси уни яхши кўрар, ота онаси йўқлигини билдиргиси келмас, аммо шу билан бирга неварасининг эркаланиб кетишига ҳам йўл қўймасди. Буви кексаликка хос донишмандлик билан неварасини тарбиялади.

Дилобар бошқа қизларга, синфдошларига қараганда, босиқ, мулоҳазали бўлиб вояга етди. Унинг тенгдошлари тежамкорлик, сабр-тоқат каби тушунчалардан йироқ эди. Аммо Дилобар жуда эрта улғайди, рўзгорни бир ўзи эплай оларди. Бувисининг ҳар қандай гап-сўзга босиқлик билан жавоб бериши, феълнинг кенглиги неварога ҳам ўтди. Хориждан келган ота-она қизларининг эрта улғайганидан, ақли-хушлиги бир суюнса, болаларга хос эркалигининг йўқлигидан, ўзини бегонадек туттишдан хафа бўлишди. У мактабни битиргач бир йил ўтар-ўтмас совчилари кўпайиб кетди. Ва ниҳоят биринчи йили ўқишга киролмаган Дилобарни узатишадиган бўлишди. Қиз боланинг ҳар ҳолда яхши жой деб узатилган хонадонда ҳам дастлабки йиллар тушунмовчиликлар бўлиши табиий. Дилобарнинг рўзгорни эплаши, унга ўргатувчининг керак эмаслигига қарамай қайнонаси ўзининг борлигини билдириб қўйгиси, иш ўргатгиси, қилган ишдан камчилик ахтаргиси келаверарди. Аммо Дилобар аввало қайнонасининг ўргатганларини ўзига оғир олмасди, чунки бу ҳол бувисини эслатарди. Кейин ҳар қандай вазиятни унинг мулоҳазакорлиги, оғир босиқлиги юмшатиб юборарди. Йиллар ўтди. Дилобар қайнонасининг энг сеvimли келинига айланди. Чунки у қайнонаси қайнаб турса ҳам бирон марта айнимади. Ҳозир ҳар замонда қайнона йиғинларда мақтанади: "Мен келиним билан бирон марта сен-менга бормаган яхши қайнонаман". Дилобар эса мийғида кулиб қўя қолади. Чунки у билади, қайнонасининг сен-менга

бормаслигига, аввало унинг оғир-босиқлиги сабаб эканлигини. Агар бошқа келинлардек қайнонасининг ҳар бир гапига гап билан жавоб берганида аллақачон оиласи гурбатхонага айланиб кетишини, ўртада ўзаро ҳурматдан зигирча қолмаслигини ҳис қилган ҳолда раҳматли бувисидан ҳар доим миннатдор бўлишни унутмайди. Унинг яна бир ютуғи қайнонасининг келиннинг яхшилигини тан олганида... Иккинчи воқеа. Қайнона куёви Баҳодирни ёмон кўрарди. Чунки биттаю битта ёлғиз қизи Гулнора онасининг хоҳишига қарши турмушга чиққанди. Яъни ҳеч кими йўқ етим йигитга. Яна содда, оддий ишчи, кўрмисиз бу йигит ўқимишли қизига сира тенг келмайдиган одам эди онанинг назарида. Куёвнинг ғурури бор экан қайнонасининг уйи катта бўлишига қарамай алоҳида ижарага уй олиб чиқиб кетди. Аммо улар онадан хабар олиш учун тез-тез келиб туришарди. Гулнора биринчи фарзандига ҳомилалор бўлган камқонлиги боис тез-тез касалхонага ётишига тўғри келиб қолди. Шунинг учун Баҳодир ҳам йўл-йўлакай қайнонасиникига кириб ўтар, гоҳида ишга кетар чоғи, гоҳида ишдан қайтишда, баъзан қайнонаси пиширган овқатни хотинига олиб бориш учун бир оёғи Гулноранинг отасиникида эди. Қайнона куёвини кўрарга қўзи бўлмаса ҳам уни меҳмон қилишни бурчим деб биларди. Аммо ичидаги нафратини яширолмасди. Яширолмасдики ҳеч қачон куёви учун янги овқат қилмасди, қолган-қутган овқат, суви қочган нон билан меҳмон қилиб қўя қоларди.

Баъзида қайноналардан эшитиб қоламиз: "Келиним келган пайтлари яхши эди, гап қайтармасди, энди тили чиқиб қолди". Хўш, айтинг-чи бошида гап қайтармаган келиннинг нега "тили чиқиб" қолди. Вақтида ўша гап қайтармаган келиннинг одобини суиистеъмол қилишмаганида, хурмат билан жавоб беришганида ўхамон гап қайтармайдиган, хурматли келинликча қолмас-миди?

чиси суиистеъмол қилиши туфайли келиб чиқади.

Айтайлик, қайнона ювош, безарар аммо келини уни бадтар эзади. Ёки келин меҳнаткаш, ҳеч кимга гап қайтармайди, итоаткор. Аммо қайнонаю қайнэгачилар, қайнсингиллар уни бадтар хўрлайди ёки эр оғир вазмин, бақир-чақирни хўшламайдиган инсон хотин эса уни ювошлигидан фойдаланиб бурнидан ип ўтказиб олади. Ёки хотин бориға шукр қилиб, уйим жойим деб ўтиради, аммо эркак уни сабр ва шукрини суиистеъмол қилиб хиёнат қилади. Аксарият ҳолларда бизнинг оилаларда мана шу манзара.

Аслида қандай бўлиши керак. Агар биринчи томоннинг яхшилигини иккинчи томон қадрласа, қадрига етса, ёмон қилиқларини ташлаб яхши бўлишга ҳаракат қилса, "ахир у яхши инсон, мен уни ўша яхшилиги учун ҳам қадрлашим, қадрига етишим керак", деб ўйласа қанчадан-қанча оилавий келишмовчиликларнинг олди олинарди. Бунинг отини оддийгина муросан мадора дейилади. Айнан ўша муросанинг етишмаслиги оилаларда парокандаликни юзага келтиради.

Баъзида қайноналардан эшитиб қоламиз, "Келиним келган пайтлари яхши эди, гап қайтармасди, энди тили чиқиб қолди". Хўш, айтинг-чи бошида гап қайтармаган келиннинг одобини суиистеъмол қилишмаганида, хурматига хурмат билан жавоб беришганида у ҳамон гап қайтармайдиган, хушмуомала келинликча қолмасмиди? Ёки бўлмаса ювош, оғир-босиқ, оилам, болам-чақам дейдиган эр бирдан ўзгариб қолди. Кўчадан бери келмай қўйди, ҳатто бошқа аёлга илакишди. Нимага? Чунки вақтида меҳрга меҳр билан жавоб ололмади.

Аксарият ҳолларда муроса қиладиган, оилада тинчлик бўлишини истайдиган бир томоннинг яхшилиги суиистеъмол қилингани боис ҳам уриш-жанжал тўхтамайди. Уриш-жанжални бошлайдиган иккинчи томон агар бир марта ўйлаб кўрса: "Тўхта, нега мен гап қайтармайдиган келинимни баттар эзишим керак", "Нега мен келинларидан хурмат талаб қилмайдиган беозор қайнонаمنى ўзим биллиб хурматини жойига қўймай қилмадим керак", "Тўхта, нега мен сабрли, шукрини хотинимга ўз миннатдорчилигини билдириш учун бугун унгл кул совға қилмаслигим керак", "Нега мен оғир, босиқ, бақир-чақир қилмайдиган ювош эримни ўзимдан баланд кўриб, бошимда кўтармаслигим, хурматини жойига қўймай қилмадим керак", деб ўйлаганларида эди ўша биз яхши деб атаётган биринчи томон янада олижаноб инсонга айланмасмиди?

Қердадир ўқиганим бор: "Севинг, бахтни ва иккинчи яримингизни қадрланг, буларнинг барчаси оилада туғилади. Оила эса инсонни севишни ўргатувчи мактабдир."

Барно СУЛТОНОВА.

Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета
Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди
Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 936. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1150. Баҳоси келишилган нархда.
Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00
Навбатчи: Мусаҳҳиж: Саҳифаловчи: В. Исмоилов С. Сайдалмов А. Маликов
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ISSN 2010-7609
1235